



VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2012 йил 15 март, № 3 (14)



Бодом гуллади

Баҳор насимлари, кўклам нафаси жаннатмакон ўлкамизнинг сўлим воҳаси Сурхондарёдан - очилган бодомнинг қийғос гулларидан бошланади.

12-бетда

Ўзбекистон ва АҚШ дипломатик алоқаларига 20 йил тўлди

Шу йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 20 йил тўлди. «Ватандош» газетаси ушбу сана билан барчани қутлайди.



Илҳом Неъматов:



2-3-бетларда

Жорж КРОЛ:



4-5-бетларда

Бу сонда яна:

- Бобур баҳона пайдо бўлган оила **6-бетда**
- АҚШ фуқароси билан турмуш қурмоқчи бўлганлар учун **7-бетда**
- Февраль ойининг энг муҳим воқеалари **10-11-бетда**
- Абадий соғинч **13-бетда**
- Дунёни ўзгартираман деб ҳаракат қилма **14-бетда**

Бизнес-класс машина

"GM Uzbekistan" қўшма корхонаси янги турдаги бизнес-класс седан "Chevrolet Malibu" автомобилларини йиғишни бошлаган. У Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи ҳудудида ишлаб чиқарилмоқда.

Маълумотларга кўра, ушбу моделнинг тақдироти жорий йилнинг апрель ойида бўлиб ўтади. Шу йилнинг ўзида "Chevrolet Malibu" дан 5000 донга ишлаб чиқарилиши кўзда тутилмоқда.


Стипендиядан нетбук олиш мумкин

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси талабалар учун нетбукларни пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотишни режалаштирмоқда. UzDaily сайтининг ёзишича, талабалар нетбукнинг пулини олий ўқув юртида ўқиш якунида, шунингдек, стипендиядан ҳам тўлашлари мумкин бўлади. Нетбуклар интернетга Uzmobilе (CDMA 450 стандарти) модемлари ёрдамида уланади.

Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: www.vatandosh.com/obuna

Илҳом НЕЪМАТОВ: «Ўзбекистон Афғонистондаги тинчликни сақлашга жуда катта қизиқиш билдиради»

Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Илҳом Неъматовнинг "Ватандош" газетасига берган интервьюси



Жорий йилнинг 19 февраль куни АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига йигирма йил тўлди. Шу боис "Ватандош" газетаси ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари ҳамда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари хусусида Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси билан суҳбатлашди. Куйида ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

лари бор, деб қайд этишмоқда. Буни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?

- Албатта, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга жуда катта аҳамият беради ва қизиқиш билдиради. Бунинг сабаблари нимада? Бунга кўп омиллар, яъни сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва тарихий омиллар мавжуд. Авваламбор, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда эгаллаб турган роли ва салоҳиятидир. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг маданий салоҳиятидир. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг худо берган табиий бойликларидир. Мана шу

иқтисодий ва сиёсий факторлар, албатта, АҚШ давлатининг Ўзбекистонга катта қизиқиш билдиришига асосий сабаб бўлади. Яна битта асосий сабаб: Ўзбекистон географик жиҳатдан жуда муҳим жойда, яъни Фарб ва Шарқ манфаатлари кесишган жойда жойлашганидир. Мана шу ҳам Ўзбекистонга бўлган муносабатнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

- Кўпчилик кузатувчилар 2010 ва 2011 йилларда икки мамлакат дипломатик алоқаларида ўта сермазмун ва самарали бўлганлигини қайд этишмоқда. Турли даражадаги 50 дан ортиқ ташриф ва учрашувлар уюштирилди. Ўтган учрашувларда имзоланган қайси ҳужжатларни алоҳида қайд этган бўлар эдингиз?

- Кейинги йиллардаги Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларига назар соладиган бўлсак, ўзаро алоқалар ҳар томонлама фаоллашди. Биринчидан, АҚШ Давлат

котиби сўнгги йилларда икки марта Ўзбекистонга расмий ташриф билан бориб, мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов билан жуда мазмунли суҳбатлар ўтказди. Уларда икки томонлама алоқалар, Марказий Осиёдаги вазият, албатта, Афғонистон масаласи кўриб чиқилди. АҚШ Давлат котибининг Ўзбекистонга 2010 йилда уюштирган ташрифи чоғида муҳим бир ҳужжат - илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Албатта, бу ҳужжат биз учун жуда муҳим. Чунки АҚШ ва Ўзбекистоннинг бу соҳадаги салоҳияти жуда катта.

- Минтақадаги энг долзарб масалалардан бири - Афғонистон муаммосидир. Ушбу мам-

Афғонистон Ўзбекистон учун жуда муҳим давлат. Бу ерда иккита омилни ҳисобга олишимиз керак. Биринчиси, бу хавфсизлик масалаларидир. Чунки биз Афғонистон билан 160 километрдан ортиқ умумий чегарага эгамиз.

лакатнинг келажиги ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Бу масалада сизнинг фикрингиз қандай? Афғонистонда узоқ муддатли хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш, мамлакатни қайта тиклаш ишларига Ўзбекистон халқаро ҳамжамият билан бирга қандай ҳисса қўшиши мумкин?

- Энди Афғонистон ҳақида гапирганда, мен бир нарсани айтиб ўтишим керак, Афғонистон Ўзбекистон учун жуда муҳим давлат. Бу ерда иккита омилни ҳисобга олишимиз керак. Биринчиси, бу хавфсизлик масалаларидир. Чунки биз Афғонистон билан 160 километрдан ортиқ умумий че-

гарага эгамиз. Иккинчиси, иқтисодий масалалардир. Биласиз, Ўзбекистон тўғридан-тўғри океанларга ёки портларга чиқиш имконига эмас. Шунинг учун Афғонистонда тинчлик бўладиган бўлса, ушбу мамлакат Ўзбекистон учун портларга чиқишга энг яқин йўл вазифасини бажаради. Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланиб, кейинги пайтларда мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти борган сари ошиб бормоқда. Афғонистон биз учун муҳим транзит йўл ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон Афғонистондаги тинчликни сақлашга жуда катта қизиқиш билдиради.

- Ҳурматли элчи жаноблари! Таълим, фан ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболларини қандай баҳолайсиз?

- Таълим соҳасидаги ҳамкорлик биз учун ниҳоятда муҳим. Ўзингиз биласиз, мустақилликнинг, ривожланишнинг асосий мезони, бу - юксак салоҳиятли кадрлардир. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашга Президентимиз томонидан жуда катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга асосан, жуда кўп ёшлар чет давлатларга, жумладан, Америка Қўшма Штатларига келиб, нуфузли олий ўқув юрларида ўқиб, таълим олиб қайтишди. Улар бугун мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида ишлашмоқда. Яқинда биз жуда катта халқаро анжуман ўтказдик. Унда жуда кўп давлатлардан 270 дан ортиқ университетлар профессорлари, ректорлари, расмий кишилар иштирок этишди. Америкадан, мен сизга айтишим керак, 30 га яқин университетлар раҳбарлари иштирокида делегация иштирок этиб, Ўзбекистон билан таълим соҳасида қандай ҳамкорлик олиб бориш ҳақида музокаралар ўтказилди. Мен ўйлайманки, мана шу конференция натижасида Ўзбекистон ва АҚШнинг бу соҳадаги ҳамкорлиги янада ривожланиб боради.

(Давоми 3-бетда).

Vol. 3 (14). Thursday,
March 15, 2012

Publisher:
Farhod Sulton
farhod@vatandosh.com

Editor-in-Chief:
Behzod Mamadiev
behzod@vatandosh.com

Deputy Editors:
Davronbek Tojialiev
davronbek@vatandosh.com

Mavlon Shukurzoda
shukurzoda@vatandosh.com

Editors:
Alisher Aymatli
aymatli@vatandosh.com

Toshpulat Rahmatullaev
toshpulat@vatandosh.com

Managing Editors:
Tamara Nazarova
Ulugbek Qosimov

Web Developers:
Shukhrat Pardaev
Shohruh Kenjaev

Partner organization:
**Uzbek Association of
Commons**

**Editorial and Executive
office ce:**

2705 Coney Island Ave.
Brooklyn, NY. 11235
Phone: 646.397.0325
Web: www.vatandosh.com
Email: info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher. The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view. We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.

**"ВАТАНДОШ"ГА
ОБУНА БЎЛИНГ:**

Газетамизга обуна бўлинг. "Ватандош" ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

www.vatandosh.com/obuna

Илҳом НЕЪМАТОВ: «Ўзбекистон Афғонистондаги тинчликни сақлашга жуда катта қизиқиш билдиради»

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

- Ҳозирги пайтда АҚШда 100 минглаб ҳамюртларимиз истиқомат қилади. Бундан ярим аср муқаддам Америка - Туркистон ассоциацияси ташкил этилди. Қолаверса, Бухоро яҳудийларидан иборат анчагина йирик ўзбек диаспораси истиқомат қилади. Элчихона Америкадаги ҳамюртларимизни қўллаб-қувватлаш борасида қандай ишлар олиб бормоқда?

- Албатта, АҚШдаги ҳамюртларимиз билан ишлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Сиз тўғри айтдингиз, дунёдаги жараёнларни ҳисобга оладиган бўлсак, миграция табиий ҳолатдир. Биз Америка - Туркистон жамияти билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз. Ва Ўзбекистондан келган ҳамюртларимизнинг маданий ҳаётлари ва Америкадаги жараёнлардаги иштироки бўйича изчил ҳамкорлик қиламиз. Ҳар йили жуда кўп маданий тадбирлар ўтказамиз. Жумладан, Америка - Туркистон жамияти билан ҳамкорликда Наврўз байрамини ўтказиб келаётиб. Нафақат Нью-Йоркда, балки Сиэтлда, Филадельфияда, Чикагода бўлиб ўтган Наврўз тадбирларида иштирок этдик. Бу йил ҳам шуни мўлжаллаб турибмиз: Сиэтлда, Чикагода, Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган Наврўз байрамларига элчихона яқиндан ёрдам бериб, бирга ўтказишни режалаштираёلمиз. Бу, албатта, нимага ёрдам беради? Бир нарсани билиш

керакки, бу, аввало, Ўзбекистон маданиятини, тарихини сақлаш, уни Америкада тарқатишга ёрдам беради. Иккинчи томондан, бу маданий соҳада алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

- Шу ўринда ўзингиз, оилангиз, мана шундай юксак лавозимга эришишгача бўлган фаолиятингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

- Мен 1989 йили, яъни бундан 23 йил муқаддам дипломатия соҳасида ўз фаолиятимни бошлаганман. Жуда хурсандман. Чунки 1992 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида турли вазифаларда ишлаб келаёман. Хабарингиз бор, бизнинг биринчи энг катта элчихоналаримиздан бири Германияда очилган. 1992-1993 йилларда у ерда ишладик. Ундан кейин Тошкентга қайтиб бориб, Ташқи ишлар вазирлигида хизмат қилдик. 1997-1999 йилларда Ҳиндистонда элчи бўлиб ишладик. Мен бундан жуда хурсандман. Чунки Ўзбекистон ва Ҳиндистон алоқалари тарихан чуқур илдизга эга. Хабарингиз бор, Бобурийлардан бошлаб икки давлат ўртасида алоқалар жуда ривожланган. Қолаверса, Ҳиндистон минтақада катта салоҳиятга эга бўлган давлат. Ундан кейин Тошкентга келиб, ташқи ишлар вазири ўринбосари вазифасида ишладик, ана ундан кейин давлатимиз раҳбарининг топшириги билан Москвада элчи бўлиб фаолият юритдик. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси лавозимида ишлаб турибмиз. Бу ердаги асосий вазифамиз, албатта, АҚШ ва



Элчи Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида дипломатик алоқаларнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали тадбир меҳмони билан.

Вашингтон, 2012 йил.

Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришдир. Оилам ҳақида гапирадиган бўлсак, тўрт нафар фарзандим бор. Уларнинг кўпи Тошкентда яшашади. Бу ерда бир нафар фарзандим ва икки набирам бор. Ҳаммалари ҳар хил соҳаларда ишлаб юришибди.

- "Vatandosh" газетасига тилакларингиз.

- Авваламбор, "Ватандош" газетасини бир йиллик байрами билан табриклаймиз. Бу жуда катта иш. Чунки "Ватандош" орқали бизнинг Ўзбекистон тарихини, маданиятини, юртимизда юз бераётган жуда кўплаб яхши ўзгаришларни Америка халқига, жамиятига тарқатасизлар. Бу жуда катта сиёсий

аҳамиятга эга. Биз, албатта, "Ватандош" газетаси билан яқиндан алоқада бўлиб, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизда юз бераётган ижобий ютуқларни газета орқали ёритиш мақсадида кейинги йилларда ҳамкорликни кучайтираемиз. Чунки Ўзбекистон ўз йўлидаги барча қийинчиликларга қарамасдан, ўтган 20 йил давомида иқтисодий, маданиятда жуда катта ютуқларни қўлга киритди. Мана шу ютуқларни газета орқали тарқатиш биз учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

- "Vatandosh" газетаси қимматли вақтингизни аямасдан интервью берганингиз учун ташаккур билдиради. Иш-фаолиятингизда омад тилайди.

Вазир бобосининг юртига келди


Исроил маърифат вазири Гидеон Саар Ўзбекистонга ташриф буюрди. Исроил - Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан уюштирилган мазкур ташриф давомида вазир Ўзбекистон халқ таълими, олий таълим вазири ва бошқа расмий шахслар билан учрашган. У, шунингдек, яҳудийлар мактабига ташриф буюриб, Ўзбекистондаги яҳудийлар жамияти вакиллари билан учрашди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Гидеон Саарни Ўзбекистон билан боғлайдиган қариндошлик ришталари ҳам бор. Хусусан, унинг бобоси Йонатан Софиев Бухоро хонлиги руслар томонидан босиб олинган мамлакатдан чиқиб кетган. Софиевлар оиласи ўз вақтида Бухородаги йирик тадбиркорлардан бири бўлиб, Бухоро амири Амир Олимхонга кредит бериб туришган.

Ўзбекча "Burger King" патентланди

"BLOSSOM OSIRIUS" масъулияти чекланган жамияти бутун дунёда машҳур "Burger King" савдо белгисини Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасида патентдан ўтказди. "Burger King" бренди остида тамадixonалар, қахвахоналар, кафетерийлар, мотеллар, пансионлар, ошхона жихозларини ижарага бериш, ресторанлар, ўзига ўзи хизмат қилиш ресторанлари, ишлаб чиқаришдаги ва ўқув муассасаларидаги ошхоналар, барлар хизмати, кемпинглар хизмати, таомлар тайёрлаш ва уларни уйга етказиб бериш бўйича хизматлар очилиши мумкин.

АҚШ Конгресси аъзоси Эни Фалеомаваега баёноти



Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг йигирма йиллиги муносабати билан АҚШ Конгресси Вакиллар палатасидаги Марказий Осиё бўйича гуруҳ (Кокус) ҳамраиси, конгрессмен Эни Фалеомаваега расмий баёнот берди.

суверенитетини қўлга киритган республика сифатида кўп асрлик ўтмишга эга бўлгани ҳолда, мустақилликнинг дастлабки йилларида кўпгина қийинчиликларга дуч келган.

"Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда - сиёсат, иқтисодий ва халқаро муносабатларда салмоқли тараққиётга эришишга муяссар бўлди. Ўзбекистон мавжуд қонунчилик,

ижро ва суд ҳокимияти асосида пойдевор яратиш устида иш олиб боргани ҳолда, демократия томон одимламоқда ва шу тариқа ноёб тарихий меросни ҳамда миллий ўзига хосликни тикламоқда", дейилади баёнотда.

Э. Фалеомаваега ўз баёнотида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, трансмиллий таҳдидларга қарши кураш соҳасида, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий маслаҳатлашувларни чуқурлаштириш борасидаги ҳамкорлик юқори даражада эканлигини қайд этди. АҚШ компаниялари, шу жумладан, Америка бизнесининг энг йирик вакиллари билан бири "General Motors" Ўзбекистондаги ўз иштирокини кенгайтирмоқда.

Конгрессмен Америка Қўшма

Штатлари Афғонистонга кўрсатилган ёрдам, хусусан, темир йўллар ва кўприклар қурилиши, имтиёзли нархларда электр энергияси етказиб берилаётгани учун Ўзбекистондан алоҳида миннатдор эканлигини, бу эса АҚШ учун жуда муҳимлигини таъкидлади.

- Мен Ўзбекистон ҳукумати ва халқини Америка Қўшма Штатларини қўллаб-қувватлаш борасидаги барча саъй-ҳаракатлари учун яна бир бор табриклаймиз ҳамда президент Б. Обама ва Давлат котиби Х. Клинтоннинг Америка - Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини олқишлайман, - дея ўз фикрини яқунлади Э. Фалеомаваега.



Жорж КРОЛ:

«Ўзаро ҳурмат ва тушуниш — фаолиятимиз мезони»

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва Мухтор элчиси Жорж Крол билан "Ватандош" газетасининг суҳбати

- Ҳурматли элчи жаноблари, аввало, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг йигирма йиллиги муносабати билан интервью беришга розилик берганлигиниз учун ташаккур билдирамиз. Сиз мана шу тарихий сананинг аҳамиятини қандай баҳолаган бўлар эдингиз?

- Йигирма йил тарихан қисқа давр. Умид қиламанки, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик юз йиллар ўтиб ҳам давом этади. Лекин ушбу қисқа давр ичида минтақавий барқарорлик, хусусан, Афғонистонда тинчликка эришиш, наркотрафикка, одам савдосига қарши курашиш, иқтисодий ўсиш, тараққиёт, савдога қўмаклашиш, соғлом ва демократик жамият шакллантиришда биргаликда иш олиб бориш каби ўзаро манфаатли соҳаларда келажакдаги мустақам ҳамкорликка асос бўлган муҳим натижаларга эришилди.

- АҚШ барча жабҳаларда Ўзбекистоннинг энг муҳим стратегик ҳамкорларидан бўлиб келган ва бўлиб қолади. Сўнгги йилларда АҚШ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги

қандай муваффақиятларга эришди, деб ўйлайсиз?

- Айтиб ўтганимдек, ўтган йигирма йил давомида ҳамкорликни янада кучайтириш учун мустақам асос яратилди. Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация бугунги кундаги алоқаларимиз принципларини белгилашда, шунингдек, истиқболдаги ўзаро саъй-ҳаракатларимизни ишлаб чиқишда долзарб аҳамиятга эгадир. Биз мана шу ҳужжатда ўз аксини топган кўплаб вазифаларни фаол амалга ошириб келаямиз. Мамлакатларимиз ўртасида 2010 йилда илмий-технавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳозирда ушбу битимни амалга ошириш йўлларини излаяпмиз. 2009 йилда ҳар йили ўтказилиб турувчи маслаҳатлашувлар механизми жорий этилди. У ўзаро вазифаларни белгилаб олиш ҳамда эришилган ютуқларни таҳлил қилишга қаратилгандир. Бизнинг ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари ва ҳарбийларимиз тренинг ва тажриба алмашиш орқали самарали ҳамкорликни ривожлантириб бормоқда. Афғонистон маса-

ласида яқиндан маслаҳат олиб бораёпмиз. Жамоатчилик ва қонун чиқарувчи органларимиз ҳам маданият, соғлиқни сақлаш, қонун устуворлигини таъминлашга оид дастур, маслаҳатлашувлар ва бошқа лойиҳаларга фаол жалб қилинган. 2011 йилда биз АҚШ инвестицияси асосида барпо этилган Тошкентдаги "General Motors

тонда бўлди. Умуман олиб қараганда, 2011 йил икки мамлакат учун анча самарали ва воқеаларга бой йил бўлди. Турли даражадаги элликдан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Ўтган йили имзоланган қайси ҳужжатларни ўта муҳим, деб ҳисоблаган бўлар эдингиз. Бугун АҚШ дип-

ломатияси учун Ўзбекистондаги устувор вазифалар нималардан иборат?

- Мен ишонаманки, ҳукуматларимиз ўртасида етарлича ҳужжатлар имзоланган. Юқорида қайд этилганидек, Стратегик шериклик ва ҳам-



АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтон Тошкентдаги Аёллар саломатлиги марказида.

2011 йил.

технологияларини харид қилишга тўртки беради.

- АҚШ ва Ўзбекистон алоқалари, айниқса, сўнгги йилларда анча жадаллашди. 2011 йилнинг охирида АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтон хоним расмий ташриф билан Ўзбекис-

корлик асослари тўғрисидаги декларация сингари кўплаб ҳужжатлар борки, биз уларни амалга ошириш учун яна йигирма йил банд бўлсак, ажабмас. Аммо бизнинг ҳамкорлигимиз динамик ҳамкорликдир. Мен ўзаро ҳамкорликнинг янги соҳаларини ҳам алоҳида қайд этган бўлар

лараро ва идоралараро келишувларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Икки давлат раҳбарларининг 2010 йил апрель ва 2011 йил июнь ойларидаги шахсий мактуб алмасуви, АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтон хонимнинг 2010 йил декабрь ойида Тошкентга ташрифи, республика раҳбариятининг АҚШ миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчи ўринбосари Денис Макдоноу, сенатор Линдсей Греҳэм, АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили, элчи Марк Гроссман билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Икки мамлакат раҳбарларининг 2011 йил 28 сентябридаги телефон орқали мулоқоти АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

эдим. Айниқса, туризм, соғлиқни сақлаш, таълим, савдо ва бошқарувда ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

- Инвестициявий ҳамкорлик Ўзбекистон ва Америка иқтисодий-савдо ҳамкорлигининг муҳим қисми ҳисобланади. Ўзбекистон АҚШ капитални минтақага фаол жалб қилишдан манфаатдор. Иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли тармоқлари қайсилар? Фикрингизча, АҚШ инвестициясини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишига нима тўсқинлик қилиши мумкин?

- Аввал қайд этганимдек, қишлоқ хўжалиги ўзаро ҳамкорликда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Мен Фарғона водийсининг ҳосилдор қишлоқ хўжалигини Марказий Калифорния водийсига қиёслаган бўлардим. Зотан, ушбу ҳудуд нафақат АҚШни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда, балки экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Технология ва режалаштириш орқали Ўзбекистон ҳам ўзини таъминлаши, албатта, минтақага қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кўпайтириши мумкин. Агар Ўзбекистон сувдан самарали фойдаланиш инфратузилмасини ҳамда транспорт тизимини ривожлантирса, бу ютуқларга эришиш мумкин бўлади. АҚШ бу борада узоқ йиллардан бери етакчи мамлакат бўлиб келади ва ўз тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёр. Ўзбекистоннинг транспорт, энергия ишлатиш ва таъминот тизимларини ривожлантириш Ўзбекистоннинг Марказий Осиё чорраҳасидаги ўта муҳим мавқеини мустақамлашда қўл келади. Бу, айниқса, табиий захираларга бой Марказий Осиёни Жанубий Осиёдаги аҳоли марказлари билан боғлашда асосий омил ҳисобланади. АҚШ ҳам, Ўзбекистон ҳам Осиё бозори

(Давоми 5-бетда).

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

ва иқтисодиётлари билан ҳамкорликдан катта фойда кўради. Зеро, бугун "Осиё асри" деб аташ тобора русум бўлиб бормоқда. Бизнес келишувларидаги шаффофлик, қонун устуворлиги, ишончли молиявий тизим ва конвертация масалалари бизнинг бизнес фаолиятимиз ва ҳамкорлигимизда муҳим роль ўйнайди.

Жорж КРОЛ:

«Ўзаро ҳурмат ва тушуниш — фаолиятимиз мезони»

- АҚШ ва Ўзбекистоннинг икки томонлама, минтақавий ва халқаро масалалардаги ҳамкорлиги истикболда қандай давом этади?

- Мен ҳукуматларимиз ва халқларимизнинг эзгу нияти ҳамда ишончи ўзаро алоқаларимизнинг энг қимматли ресурси бўлиб, улар икки томонлама ва халқаро масалаларда ҳамкорлигимизни кенгайтириш, чуқурлаштириш ҳамда ривожлантиришнинг асосини ташкил қилади, деб айтган бўлар эдим. Эзгу ният

ва ишонч ресурсларимизни шакллантириш ва кучайтириш бизнинг устувор вазифамиздир. Кучли ва изчил ҳамкорлик ҳамда мулоқот, ҳатто бир тўхтама келинмаган масала хусусида бўлса-да, ўта муҳимдир. Мен АҚШ ва Ўзбекистон хавфсиз, барқарор, тараққий этган жамият ва халқаро тизимни ривожлантириш бўйича ўхшаш мақсадлар йўлида, уларни амалга ошириш бўйича қарашларимиз қанчалик фарқ қилса-да,



АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтон Тошкентдаги «General Motors Powertrain - O'zbekiston» қўшма корхонасида.

фаолият юритишига ишонман. Бу мамлакатлар, ҳатто ҳамкорлар ўртасида ҳам табиийдир. Ўзаро ҳурмат ва тушунишнинг асосий принципларига суянилса, биз ҳар доим бир-биримиздан ўрганиб бораверамиз.

- Ҳурматли элчи жаноблари! Нью-Йоркдаги ўзбек тилида нашр этиладиган "Ватандош" газетаси тахририяти жамоаси сизга мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат айтади. Ўзбекистон ва АҚШ дипломатик алоқа-

ларининг йигирма йиллиги муносабати билан Америкада яшаётган ўзбекларга тилагингиз.

- АҚШнинг ўз мустақиллиги, тарихи, менинг юртим каби келажагига ишонч билан қараётган Ўзбекистондаги элчиси бўлиш мен учун шараф. Мен барчани - америкаликларни, Ўзбекистонда ва АҚШда яшаётган ўзбекларни, мамлакатларимиз ўртасида кучли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ўз ҳиссасини қўшган дипломатлар, ҳарбийлар, олимлар, бизнес доира

вакилларини чин юракдан табриклайман. Мен, айниқса, ёш америкаликлар ва ўзбекларни алоҳида табриклашни истардим. Зотан, улар биз ва аждодларимиз барпо этган алоқаларни янада ривожлантириш устида иш олиб бормоқда. Барчамизга бундай юбилейларни бугунгидек умид ва ишонч билан нишонлаш яна кўп марта насиб қилсин!

Мавлон ШУКУРЗОДА,
"Ватандош" газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Жиззахлик бобо Гулсанамнинг қўлини олди

Тошкентда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хушовоз хонанда Гулсанам Мамазонованинг концерти бўлиб ўтди. Концертда бўлган мухлисларнинг айтишича, концерт дастури, ҳақиқатда, чиройли ва яхши ташкил қилинган. Концерт меҳмони сифатида Отабек Муҳаммадзоҳид куйлаган. Этиборли жиҳати, сайёд. ўз сайтининг ёзишича, Гулсанамнинг концертига нафақат ёшлар, балки кекса ёшдаги "фанат"лар ҳам киришган. Хусусан, Жиззахлик отахон хонанданинг ашаддий мухлиси эканлигини айтиб, концерт тугагунча зални гир айланиб ҳамма ерда ўтириб, кўриқчилар билан талашиб, Гулсанам билан учрашади ва уни дуо қилади.

Яқинда тахриратимизга газетхонларимиздан бири мактуб йўллабди. Унда шундай сўзлар ёзилган: "Капиталист дунёда капиталист яшаб бўлмайди. Бу ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларидан бири. Биз, кўпчилигимиз бу заминга пул топиб, турмуш кечириб учун келганмиз. Тирикчилик дардида юрган одам учун газета нега керак?.."

Агар инсон фақат жисмдан, яъни моддийдан иборат бўлганида, бу фикрингизни тўла қўллаб-қувватлаган бўлар эдим. Бироқ, одамзод руҳи, моҳияти, иймони, тили ва ватани билан жисмиётдан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам дунёнинг қайси нуқтасида яшаманг, ўзлингиз, ўтмишингиз каби миллий риштага боғланиб турасиз. Қаерда бўлманг, қалбингизнинг бир бурчи киндик қонингиз тўкилган ёки отабобонгиз яшаган тупроқ билан бўлади, унга интилади.

Сиз, ишончим комилки, тарихда тил, миллий ва диний маънавиятни кутқариш ёхуд асраб қолиш учун аждодларингиз олиб борган курашлар ҳақида ўқигансиз, эшитгансиз. Бу йўлда ўтмишда мислсиз қонлар

Миллат келажаги учун барчамиз масъулмиз

тўкилган, минглаб зиёлиларнинг, миллатпарварларнинг, маърифатпарварларнинг умри, ижоди сарф бўлган.

Албатта, замонлар оша дунёқарашлар, фикрлар, мақсадлар, дунё цивилизациядаги курашларнинг шакл ва услублари ҳам ўзгариб боради. Сиз хоҳ Ватан ичида, хоҳ ташқарисида яшаманг, келажак авлодга миллий қадриятларингизни, миллатингиз меросини қолдириш омонатдир. Уни асл ҳолича ўз эгаларига - келажак ворисларга топшириш бурчингиздир. Бугунги глобаллашувнинг энг катта хавфи шундаки, катта миллатлар ёки халқлар кичик миллатларни, қадриятларни, ўзлигини ютиб юборади. Биргина мисол: АҚШнинг муҳожирлар бўйича олиб бораётган сиёсати замирида одамларни ассимиляция қилиш гоёси мужассамдир. Ўзини ҳурмат қилган, ўз миллатининг бугуни ва эртаси учун қайғурган халқлар ассимиляция ўрнига интеграцияни танлашган. Яъни улар сизнинг қонун-қоидаларингизни тан

оламиз, аммо ўз одатларимиз ва қадриятларимизга суяниб яшаймиз, дея ҳаракат қилишадди.

Хўш, нега ўзликни сақлаб қолиш керак? "Биз Фарб жамиятига сингиб, америкаликлар каби ҳаёт тарзини курсак бўлмайми?", деб савол берувчилар ҳам бор орамизда.

Тасаввур қилинг: бу савол бизнинг ота-бобомизда бўлганида миллатимиздан асар ҳам қолмаган бўлар эди. Негаки, ҳар бир миллат ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини, миллий қадриятларини сақлаб қолиш учун интилган. "Туркистон" жамияти раиси Абдулла Хўжа аканинг айтган бир гаплари ҳеч ёдимдан чиқмайди: "Биз кейинги авлодда тилни йўқотдик. Охирги умидимиз ўзбек руҳиятининг сақлаб қолишдир. Майли, инглиз тилида гапирсин, аммо ўзбек руҳиятини, халқаро термин билан айтганда, "колорити"ни сақласин, кейинги авлодларга ташисин, деб ҳаракат қилишимиз".

Дарҳақиқат, ён-атрофга назар ташлаб, АҚШга кўчиб

келган ўзбекларнинг иккинчи авлодида ўзбек тили йўқолганини кўриш мумкин. Бу нафақат биз, ўзбекларда, балки Америкада яшаётган бошқа миллатлар авлоди қисматида юз берди.

АҚШда камдан-кам миллатларгина ўз она тилини сақлаб қола олган. Яқинда иш туфайли бир йиғилишда яхудий ҳамкасбим билан гаплашиб қолдим. У инглиз тилида соф гапирмасди. Шунинг учун беҳосдан сиз асли қаердансиз, деб сўрадим. У АҚШда туғилиб ўсганман, деб жавоб берди. Шунда унинг инглиз тилида бошқача талаффуз билан гапириши сабабини сўрадим. У 6-7-синфгача умуман инглиз тилини ўрганмаганини, ҳозир ҳам ўз маҳалласида фақат яхудий тилида гаплашишини айтди. Тасодифни қарангки, шу воқеадан бир неча кун ўтиб, ёши йигирмалар атрофидаги водийлик йигит телефон қилиб қолди. У салом-алиқдан сўнг: "ака, узр, инглизча гапирсам бўладими", деди. Уни яхши танимаганим учун

(Газетхонга жавоб)

суҳбатимизни инглиз тилида давом эттира қолдик. Суҳбат асносида у АҚШда 5-6 йилдан бери яшаётгани, фақат америкаликлар ичида яшагани учун ўзбек тилидан кўра инглиз тилида гапириш қулай бўлиб қолганини сўзлаб берди. Шу давр ичида қарийб 15 йиллик тил унутилиб кетаверса, ҳар бир Ватан фарзандининг юрагига тигдай санчилмайди?! Бугун тараққиётни иттифоқсиз, ҳамжиҳатликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иттифоқчилик учун эса миллий ва диний қадриятлар ўта муҳимдир. Бу қадриятларнинг авлоддан-авлодларга софлигича ўтиб бориши учун эса, аввало, мақсад, кейин иттифоқли ҳаракат бўлмоғи керак.

Хорижда ўзбек тилида газета шунинг учун керак. "Ватандош"ни чиқаришимизнинг боиси шу, аслида. **Фарҳод СУЛТОН,**
"Ватандош" газетаси муассиси.

Бугун кўпчилик севишганлар байрамини нишонлагандан кўра, Бобурхонлик қилишни, унинг бадиий меросини ўрганишга чорлаётганини матбуотда, интернетдаги ижтимоий тармоқларда ўқиб, эшитиб турибмиз. Аслида бу ҳам ўз ёрени топиш учун айна мударо экан. Буни асли самарқандлик Дилшодбек Зокиров "Ватандош"га йўллаган мактуби ҳам тасдиқлайди.

Бобур баҳона пайдо бўлган оила



"Буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд куни муносабати билан ҳаётимда бўлган ушбу воқеани қозғога туширишга аҳд қилдим.

Бундан 15 йил аввал Самарқанд вилояти Булунгур туманида 1-ўрта мактабнинг 7-синфида таҳсил олиб юрган кезим эди. Бир куни синф раҳбаримиз Дилбар опа буюк шахс Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган очиқ дарс бўлишини ва Бобур родини айнан мен ижро этишимни айтди.

"Мен эплай олармиканман", - деб сўрадим.

Дилбар опа: "Сен эплайсан, албатта, эплайсан", - дедию нима қилишим кераклигини тушунтирди. Мен рози бўлиб қўя қолдим. Ахир, ўзингиз ёқтирган ижодкор родини ўйнашга розилик бермай бўладими?

Дилбар опа эса кулиб:

"Лекин малика Моҳимнинг

родини қойиллатиб ўйнайдиган қиз бизнинг синфда йўқ, шу сабаб "Б" синфда ўқийдиган бир қизни кўз остига олиб қўйганман, ўша қиз эплайди", - деди.

Мен ҳайрон бўлдим. Бир оздан сўнг Бобурнинг хотини малика Моҳим родини "Б" синфда ўқувчи Фароғат исми тенгдошимиз ўйнашини билдим. Хуллас, иккаламиз тайёрландик. Биз кутган кун ҳам келди. Саҳнага чиқишимиздан олдин мен шох Бобур каби эгнимга зар чопон ва бошимга шохона салла кийдим. У эса маликалардек кийинди. Саҳнага иккаламизни чақиришди. Мен шох, Фароғат эса Бобурнинг хотини Моҳим родини жуда чиройли ўйнадик, шекилли, олқишлар остида қолиб кетдик. Ўша воқеа мактаб давридаги энг эсда қоларли кунлардан бири сифатида хотирамизда муҳрланиб қолди.

Мактабни битириб пойтахтда олийгоҳда ўқиб юрган вақтимда синфдошлар билан тез-тез учрашиб турардик. Хаш-паш дегунча 4 йил ҳам тез ўтиб кетди. Ўқишни битираётган куним ота-онам, қариндошларим билан бирга, мени табриклаш учун синфдошим Фароғат ҳам келди. Ўша куни мактабда бирга Бобур ва Моҳим родини ўйнаганимизни эслаб роса кулдик.

Хуллас ўқишни битириб ишга ҳам кирдим. Биласиз-ку, ўзбекнинг оиласида фарзанди бўйига етдими, дарров уйлантириш, оила қуришга шошилади. Ҳолалару аммалар қиз излашга тушишди. Тақдир тақозосими, билмадим, айланиб-айланиб синфдошим Фароғатга уйланидиган бўлдим. Ўзимдан ўзим сўрадим: "Нахотки, мактаб даврида Бобур ва Моҳим родини ўйнаганимизда фаришталар омин деган бўлса?".

Анна-мана дегунча Фароғат билан никоҳ тўйимиз бўлиб ўтди. Худо бизга ўғил фарзанд ато этди. Мен ўзимча ўғил туғилса, исмини, албатта, Бобур қўяман деб ўйлаб юргандим. Турмуш ўртоғимдан ўғлимизнинг исмини нима қўйишимизни сўрагандим, у ҳам "Келинг, ўғлимизга Бобур деб исм қўя қолайлик", - деди. Буни қаранг, иккаламиз бир хил исм ҳақида ўйлаб юрган эканмиз. Хурсанд бўлиб фарзандимиз исмини Бобур деб қўйдик. Ушбу исми бошқа Бобур эмас, айнан буюк уждор шоир, шох, кучли истеъдод эгаси бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурга атаб қўйдик. У киши амалга оширган ишлар, жаҳон китобхонлари томонидан севиб ўрганиладиган асарлари ҳали узоқ вақт тилларда достон бўлади. Биз фахр, ифтихор ва гурур билан унинг номини тилга оламиз".

Эҳтиёт бўлинг: Fast Food

Бугун дунёнинг бошқа мамлакатларида каби Ўзбекистонда ҳам тез тайёр бўладиган таомлар (фаст-фуд) бозори тобора ривожланиб бормоқда. Бироқ мамлакатда бундай таомларнинг инсон, яъни ёш болалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, мактаблар ва уларга яқин бўлган ҳудудларда бундай таомларни сотиш тақиқланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси бош санитарининг қарори чиқарилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг овқатланиш гигиенаси бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Анатолий Худайбергандовнинг "Ўзбекистон овози" газетасига берган интервьюсида айтилишича, фаст-фуд егуликларидеги керагидан ортиқ калория, ёғ ва тузнинг кўп миқдорда ишлатилиши ва витаминларнинг йўқлиги киши организмда турли кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу турдаги маҳсулотларни тайёрлашга асосан гидрогенлашган, яъни таркибига маргарин қўшилиб, қаттиқ ва қуюқ ҳолатда келтирилган сифатсиз ёғлардан фойдаланиш урф бўлмоқда. Чунки улар соф ўсимлик мойига нисбатан бир неча баробар арзон ва қайта-қайта ишлатиш имконини беради. Ёмон томони, маргаринлар таркибидеги ёғ кислотларининг транс-изомерлари жигарга, қон томирларига салбий таъсир кўрсатади, моддалар алмашинувининг бузилиши ва иммунитет пасайиши каби жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисининг қайд этишича, озиқ-овқат маҳсулотлари ичида калорияси (озик моддалар - оксиллар, ёғлар ва углеводларда тўпланган энергия) энг юқори бўлган модда ёғлар ҳисобланади. фаст-фуд таомлари таркиби ёғларга бой бўлганидан уларнинг ка-



лориялигига бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан кўпроқ. Бу эса семириш, жигар ва юракнинг ёғ босиши ва натижада гипертония, атеросклероз, юракишемик касалликларига сабаб бўлади.

Фаст-фуд маҳсулотлари рафинацияланган, яъни тозланган углевод манбаларига бой. Бу, улар фойдали моддалар - витамин ва микроэлементлардан холи дегани. Бундай углеводлар боалиқда истеъмол қилинганда кўриш қобилиятининг пасайиши, кўз олмаси ривожланишининг бузилиши, қандли диабет, энорин (ички секреция безлари) ва иммун тизимининг ишдан чиқиши каби хавфли хасталикларнинг ривожланишига олиб келиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам Бош давлат санитария врачлари қарори билан барча мактаб ва улар атрофидаги ошхоналарда тез тайёр бўладиган фаст-фуд маҳсулотларини сотиш мумкин эмас.

Бош вазир ичкиликбозликка қарши

Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмерон мамлакатда алкоголь ичишни чеклашга қаратилган чораларни янада кучайтириш таклифини киритди. У, жумладан, мамлакатда маст бўлмаганлар тармоғини яратиш кераклигини айтиб ўтди. Бош вазирнинг фикрича, алкоголь маҳсулотларига энг паст нархни белгилаб қўйиш ҳамда бундан арзонга сотган кишиларни жавобгарликка тортиш лозим. Экспертларнинг фикрича, мастлик Англия иқтисодиётига йилига 30 миллиард доллар миқдоридан зиён келтирар экан.

Ўзбекистонлик корейсларга бокс тушишни ўргатади

Корея бокс федерацияси ўзбекистонлик мутахассис Марс Қўчқоровни мамлакат миллий бокс жамоасига мураббий этиб тайинлади. The Korea Herald газетасининг ёзишича, бундай масъулиятли лавозимга ўзбекистонлик мутахассиснинг тайинланиши кўпчилик учун қутилмаган ҳол бўлди.

Анджон бокс мактаби вакили, ҳозирда 55 яшар бўлган Марс Қўчқоров корейс тилини умуман билмасда, асосий мақсади корейлик боксчиларни Лондон-2012 мусобақаларига йўлланма олишларига эришиш эканлигини қайд этди.

Газета унинг инглиз тилида гапирган "Мен мана шу юмушга киришаётганимдан жуда хурсандман, чунки Корея жамоасида яхши йигитлар бор" деган сўзларини келтиради. Қўчқоров айна пайтда ёзги Олимпиада ўйинла-

рида медаллар қўлга киритишни ният қилаётган бўлса-да, яна бир муҳим вазифаси ушбу мамлакатда бокснинг нуфузини кўтариш эканлигини қайд этган. "Бу ерда футбол ва бейзбол анча машҳур эканлигидан хабарим бор. Бокс ҳақида бундай деб бўлмади", дейди мураббий.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган асрнинг саксонинчи йилларигача Кореяда бокс анча оммавий бўлган бўлса-да, мамлакатда бейзбол ва футбол лигаларининг тузилиши билан бокснинг нуфузи бирмунча пасайди.

Шунинг учун ҳам Марс Қўчқоров Лондон Олимпиадасидан имкон қадар яхши фойдаланмоқчи. Унинг айтишича, "Ҳамма Олимпиадани кўриб боради. Агар биз кўпроқ медал оладиган



бўлсак, одамларда катта қизиқиш уйғонади, албатта". Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, бу вазифани амалга ошириш осон бўлмайди. Негаки, корейслар 1988 йилги Сеул Олимпиадасидан бери биронта ҳам олтин медал олишга муваффақ бўлмаган.

АҚШ фуқароси билан турмуш қурмоқчи бўлганлар учун

АҚШда яшаш ва ишлаш ҳуқуқини берадиган "Грин карта"ни олишнинг энг осон йўлларида бири АҚШ фуқароси билан турмуш қуриш ҳисобланади. Бироқ, Америка қонунчилигининг розилигини олиш учун севиб турмуш қуриш талаб этилади. Бунинг учун икки йил давомида янги турмуш қурган оила синовда бўлади. Сиз бу давр оралиғида никоҳингиз ҳақиқийлигини исботлашингиз, яъни ўзингизни эр-хотиндек тутишингиз керак бўлади. Агар буни исботлаб бера олмасангиз, "Грин карта"дан умидни узаверган маъқул.

Шу ўринда никоҳ ҳужжатларини қалбакилаштириш сизга ҳам, АҚШ фуқаросига ҳам катта ташвиш келтиришини айтиб қўйиш лозим. Бундай

ҳолатларда АҚШга кириш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда сизни мамлакатдан чиқариб юборишлари мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, АҚШ фуқароси билан турмуш қуриш бирданига доимий яшаш ҳуқуқини беради, дегани эмас. Турмуш ўртоғингиз сизнинг "Грин карта" олишингизни ўз бўйига олиши лозим.

Никоҳ тузилгандан сўнг АҚШ фуқароси ва чет эллик қаллик маҳаллий иммиграция идорасига тегишли ҳужжатларни топшириши керак бўлади. Бу ноиммигрант мақомидан иммигрант мақомига ўтиш учун ҳужжат топшириш ҳисобланади. "Грин карта" учун суҳбат ҳам маҳаллий иммиграция идорасида бўлиб ўтади. Одатда бундай суҳбатлар идорага келиб

тушган аризаларнинг сонига қараб бир ойдан бир йил оралиғида ўтказилиши мумкин.

АҚШ фуқароси хорижлик турмуш ўртоғи учун махсус анкетада иммиграция аризасини тўлдирди. Бу анкета белгиланган миқдордаги тўлов билан бирга маҳаллий иммиграция идорасига топширилади. Анкетада АҚШ фуқароси ва унинг чет эллик турмуш ўртоғи ҳақида маълумотлар жой олади. АҚШда ноқонуний яшаб юрганлар ўз иммиграция мақомларини эр ёки хотин сифатида ўзгартириш учун унчалик кўп жарима



тўлашмайди.

Турмуш қурмоқчи бўлганлар анкетага қўшимча тарзда фуқаролик, туғилганлик, никоҳ ҳақида гувоҳномаларни тақдим этиши керак бўлади. Агар

турмуш қураётганларнинг бирортаси аввал никоҳ қурган бўлса, ажрим гувоҳномасини ёки турмуш ўртоғи қазо қилганини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши талаб қилинади. Хорижий тилдаги ҳар қандай ҳужжат нотариал тасдиқланган ҳолда таржима қилинган бўлиши керак. Шу билан бирга, бармоқ излари ҳамда иккита тасдиқланган шаклдаги сурат топшириш лозим.

Иммиграция идоралари турмуш қураётган АҚШ фуқаросидан молиявий аҳволи ҳақида маълумот талаб қилади. Бундай ҳужжатлар сирасига махсус анкета, солиқ декларацияси нусхаси, шунингдек, иш жойидан маълумотнома киради. Баъзи идоралар ҳатто ҳужжат топшираётган кундаги тиббий маълумотномани талаб қилади. Бошқаларида эса суҳбатга қадар тиббий кўрикдан ўтиб, маълумотномани суҳбатга олиб боришга ҳам рухсат беришади.

ёки бу ҳужжат бўлмасанина, муаммо юзага келиши мумкин.

Агар суҳбат муваффақиятли ўтса, сизга ўша заҳоти доимий яшаш мақоми берилади ва паспортингизга олти ойлик штамп қўйилади. Бу штамп ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа жараёнлар учун хизмат қилади. Бу вақт ичида "Грин карта" олмасангиз, маҳаллий иммиграция идорасида яна штамп қўйдиришингиз мумкин.

Агар сиз суҳбатгача камидан икки йил давомида никоҳда бўлсангиз, сизнинг доимий яшаш ҳуқуқингиз "шартсиз" ҳисобланади. Агар бунга икки йил тўлмаган бўлса, сизга "шартли" доимий яшаш ҳуқуқи берилади. "Шартли" "Грин карта" асосида ҳам сиз АҚШда ишлашингиз, яшашингиз, четга сафарга чиқшингиз, ҳатто, ўз яқинларингизга виза ёрдамидан беришингиз мумкин. Лекин "шартли" виза олгандан сўнг 21-24 ойларда эр-хотин "шартсиз" "Грин карта" учун ариза топшириши керак бўлади. Агар бу муддат ичида ариза бермасангиз, "Грин карта"дан маҳрум бўласиз.

Хорижлик эр ёки хотиннинг болалари

Агар чет эллик кўёв ёки келиннинг турмуш қурмаган, 21 ёшга тўлмаган ёки 18 ёшга қадар асраб олинган фарзанди бўлса, АҚШ фуқароси унга ҳам "Грин карта" учун ҳужжатларни расмийлаштириши мумкин. Мабодо унинг фарзанди чет элда бўлса, ота-онасининг иммиграция мақоми ўзгартириши билан иммиграция визасини олиш учун мурожаат қилиши мумкин.

Тегишли ариза ва ҳужжатлар топширилганидан сўнг сизни суҳбатга таклиф қилишади. Одатда суҳбатга қақариш муддати ушбу иммиграция идорасидаги мурожаатлар сони билан боғлиқ. Агар сиз суҳбатга қадар тиббий кўрикдан ўтмаган бўлсангиз, иммиграция хизмати томонидан тайинланган шифокордан қисқа муддатли кўрикдан ўтишингизга тўғри келади. Бу кўрикда асосий эътибор сизнинг юқумли касалликларга, чунончи, ОИТС ёки силга чалинмаганлигингизни аниқлашга қаратилади. Ҳомиладор аёллар рентген текширувидан ўтмасликка ҳаққи бор. Мухрланган тиббий кўрик натижаларини суҳбатга олиб келасиз. Уни фақат иммиграция хизмати ходими очиши мумкин. Суҳбатгача сиз ишлаш ёки хорижга чиқиш учун рухсат олишингиз мумкин.

Иммиграция идорасидаги суҳбат

Иммиграция идораси ходимининг сиз билан суҳбатда асосий эътибори никоҳингиз муҳаббат орқали содир бўлганми-йўқми, сиз ҳақиқий эр-хотин каби яшайсизми-йўқми - шуни аниқлашга қаратилади.

Шу ўринда айрим ҳолатлар, яъни турмуш қураётганларнинг ёши ўртасидаги катта фарқ, бутунлай бошқа-бошқа манзилда яшаши, танишиши биланоқ турмуш қуриши шубҳа уйғотиши мумкинлигини айтиб қўйиш жоиз. Агар иммиграция идораси биргаликдаги ҳаётга шубҳа билан қараса, турмуш қураётганлар алоҳида, бошқа-бошқа хоналарда суҳбатга қақарилиши мумкин. Улар ўз турмушининг иқир-чиқиргача сўроққа тутилиши мумкин. Одатда эр-хотин биргаликда суҳбатдан ўтади. Бу жараёнга юристни ҳам жалб қилиш мумкин.

Суҳбатда сиз биргаликдаги ҳаётингиз, қанча вақтдан буён бир-бирингизни билишингиз, ўзаро молиявий алоқаларингиз ҳақида батафсил ахборот

беришингиз керак бўлади. Агар узоқ муддатдан бери яшаётган бўлсангиз, энг ишончли далил, табиийки, биргаликдаги солиқ декларацияннгиз, фарзандингиз туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ҳисобланади. Болаларни интервьюга олиб келишнинг ҳожати йўқ. Агар аёл киши ҳомиладор бўлса, шифокор тасдиқлаган маълумотноманинг ўзи етарли. Шу билан бирга, никоҳингиз ҳақиқийлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар сирасига турмуш қураётганлар номи кўрсатилган ҳолда сотиб ёки ижарага олинган уй, эр-хотиннинг бир манзилдан жўнатган хатлари, шунингдек, ҳайдовчилик гувоҳномаси, суғурта полиси ҳам кириши мумкин.

Сизнинг биргаликдаги молиявий муносабатларингизни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ҳам ниҳоятда муҳимдир. Чунончи, биргаликдаги банк ҳисоб-рақами, кредит карталари, суғурта полислари иммиграция офиси ходимини ишонтирувчи муҳим далиллардандир.

Алишер Усмонов бир асрлик акцияларни сотиб олди

Асли ўзбекистонлик миллиардер Алишер Усмонов Шотландиянинг "Глазго Рейнджерс" футбол клуби эгаси Крейг Уайтдан "Арсенал" футбол клубининг 16 дона акциясини харид қилди. Эътиборли жиҳати, "Рейнджерс" бу акцияларга ўтган асрнинг бошидан бери эгаллик қилиб келади.

"Рейтерс" ахборот агентлигининг ёзишича, Усмонов ушбу акциялар учун бир неча юз минг фунт-стерлинг тўлаган.

Бироқ, бу битим ҳар иккала клуб муҳлислари томонидан яхши кутиб олинмади. Негаки, "Глазго Рейнджерс" жамоаси 1913 йилда молиявий қийинчиликка дуч келган "Арсенал" жамоасининг икки дона акциясини харид қилиб, уларнинг банкрот бўлишдан сақлаб қолади. Кейинчалик орадан 20 йил ўтиб "Арсенал"

клуби бу яхшиликка ҳурмат рамзи сифатида яна 12 та акциясини беради. Кўпчилик бу икки жамоани бирлаштириб турадиган тарихий ришта сифатида баҳолаб эди.

Алишер Усмонов тарихий экспонат харид қилишни, уларни, зарур бўлса, ўз эгаларига қайтаришни яхши кўрадиган бизнесменлардан. Ҳар қалай бу бизнесменнинг имижини анча-мунча яхшилашда ёрдам беради. Хусусан, 2007 йилда у Мстислав Ростропович ва Га-

лина Вишневецкаянинг машҳур санъат асарларини кимошди савдосидан 72 миллион АҚШ доллари харид қилиб, Россия ҳукуматига бегараз ёрдам сифатида тақдим қилади. Худди шу йили совет даври мультфильмлари учун муаллифлик ҳуқуқини ҳам сотиб олиб, болалар учун мўлжалланган "Бибигон" телеканалига тақдим қилади.

Алишер Усмонов "Арсенал" жамоаси бўйича акцияларини улушини 30 фоиздан оширишни ният қилган бўлиб, бу мақсадда ҳатто миноритар акцияларни ҳам харид қилишга розилигини билдирган. Бунинг учун у ҳар бир акция учун 14 минг фунт-стерлинг тўлашини айтган.

Элчихонада дипломатик алоқаларнинг 20 йиллиги нишонланди



ган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим сингари 60дан зиёд ҳужжатлар асосида изчил олиб борилмоқда. Таълим соҳаси икки давлат муносабатларидаги муваффақиятли йўналишлардан.

Туркистон-Америка жамияти раиси Абдулла Хўжанинг айтишича, ўзаро алоқалар ривожидан нафақат икки давлат, балки Америкада яшаётган ўзбеклар ҳам манфаатдор. Зеро, бугун АҚШда юз мингдан ортиқ ўзбеклар истиқомат қилади.

АҚШ - Ўзбекистон муносабатларининг ривожланишида Бухоро яҳудийлари жамиятининг ҳам ҳиссаси бор, дейди АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти Борис Кандов. "Америкада яшаётган Бухоро яҳудийлари АҚШ - Ўзбекистон алоқаларининг камол топишига нафақат гувоҳ бўлган, балки уларни

Яқинда Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг 20 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Аввал хабар берганимиздек, бу йил АҚШ - Ўзбекистон дипломатик муносабатларининг 20 йиллиги нишонланмоқда.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистоннинг АҚШдаги фавқу-

лодда ва мухтор элчиси Илҳом Неъматовнинг айтишича, Қўшма Штатлар Совет Иттифоқи қулаганидан сўнг Ўзбекистонни тан олган илк давлатлар қаторига киради. Муносабатлар бирда яхши, бир ёмон бўлишига қарамай АҚШ республиканинг энг муҳим ҳамкорларидан ҳисобланади.

Ўзаро муносабатлар икки мамлакат ўртасида имзолан-



бугунги даражага чиқариш учун кўп ҳаракат қилди. Оқ уй, Конгресс, Давлат департаментидаги учрашувларда Ўзбекистоннинг АҚШ учун муҳимлигини ҳамisha таъкидлаб келамиз", деб қайд этиб ўтди у, жумладан.

Жон Хопкинс университети Халқаро алоқалар факультети раҳбари Фредерик Старнинг айтишича, бугунги кунда муносабатларни янада ривожлантиришда мавжуд салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмаяпти. "Ҳамкорлик талаб қиладиган, ўзаро манфаатли, баъзида биз билмаган кўплаб соҳа-

лар борки, ушбу йўналишларда муносабатларни янада кучайтириш мумкин", деб қайд этди у.

Ўзбекистон элчиси Илҳом Неъматов меҳмонларни ушбу сана билан табриклаб, икки давлатнинг шу кунгача АҚШ ва Ўзбекистонда хизмат қилган элчиларини ёдга олди, алоқалар ривожига ҳисса қўшган арбоблар ва дипломатларга миллий зартўн ҳадя этди.

Кечада асосан америкалик қизлардан иборат "Ипак йўли рақс" гуруҳи меҳмонларга ўзбек рақсларидан даста ҳадя қилишди.



KHAYMANS GROUP
CARGO SERVICE COMPANY IN USA



Доставка товаров в Узбекистан

Надежность, Оперативность и высокое Качество обслуживания

Parcels and Documents Delivery to Uzbekistan
Reliable, efficient and high quality services

USA

3075 Brighton 14 street, apt.34b
Brooklyn, New York.

11235-5561

Tel.: +14077220408

www.khaymansgroup.com

e-mail: info@khaymansgroup.com

Фидойиликни бол аридан олган улуғ сиймо

Кўнглим қолса булбулдан ҳам гулдан ҳам,
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам...
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам -
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Муҳаммад Юсуф

Дарҳақиқат, онажонларимиз ҳақида қанча кўп сўзласак, қанча кўп ёзсак ҳам, шунча камдек туюлади гўё. Кимдир бу муқаддас сўз замирида яна қанчалар маъни борлиги ҳақида ўйга ботган бўлса, яна кимдир ҳали ханўз ушбу зотнинг ҳаёти-

миздаги улкан ўрнини англаб улгурганича йўқ. Жуда-жуда кўп ўйлайман, онам учун ҳозиргача, бойнимга ҳам қарз ҳам фарз бўлган бурчларимнинг бирор кичик қисмини адо эта олганми-канман ёки ертангига кунга келиб уни адо этиш насиб

етармикан деб. Албатта, буни фақатгина Оллоҳ кимгадир насиб этар экан, кимгадир йўқ. Шундай экан, нега бекаму кўст яшаётган пайтларимизда, ҳатто "чангалда шўрва" қилишгача қодирлигимизда, бор-будимизни ошналарга ёки фақатгина ўзимизнинг ҳиссамизга сарфлаймиз-у бизни ана шу кунларга етказган, қолаверса, ўзидан бир неча дақиқагина йироқ бўлган

фарзандига Оллоҳдан ҳар бир нафасида паноҳ сўраган онамизнинг кўнглини олишни сира хаёлимизга келтиролмаймиз?

Бир воқеа эсимга тушиб кетди. Тахминан 4-синфда-лигимда ўқиш дарсида ота-оналар борасида синфда суҳбат ўтказган эдик. Ўшанда устозимиз "ота-оналарнинг дуосини олган фарзанд энг бахтли ҳамда энг омадли инсон саналади" деган эдилар. Бир неча кунлардан сўнг, 8-Март муносабати билан синфлараро "Оналар мўътабар" мавзuida танлов ўтказилди. Танлов олдидан онамга "Онажон, бугун танловда қатнашяпман, мени дуо қилиб қўйинг, ўшанда менга омад кулиб боқиб, зора биринчиликни олсам" деганимда, онам кулиб, "болажоним, она фарзандини фақатгина танловларда эмас, балки у фарзанд дунёга келган дақиқадан бошлаб ҳар бир нафасида дуо қилади, мен ҳамиша сенинг дуоингданам, фақатгина бир ишни чин юракдан, меҳр билан бошласанг, албатта, кутилган натижага эриша-



(Суратда: раҳматли бувижоним Мастура-буви)

сан" деганлари хаёлимдан сира кетмайди.

Ҳа... Ушбу буюк сиймо туну-кун бизнинг дуоимизда, энг вафодор дўст ҳам, энг ишончли суянчиқ ҳам, энг меҳрибон ҳамроҳ ҳам оналаримиздир. Яқинда Ўзбекистон халқ артисти, элимиз севган устоз санъаткор Эркин Комиловнинг ота-оналарга аталган эшитишлари эътиборимни жалб этди. Ундаги баъзи сатрлар қуйдалардан иборат: "Азизлар, ота-она зотининг еттига буюк фазилати бор экан, улар яратишни қодир табиатдан, фидойиликни бол аридан, гамхўрликни она ердан, суянчиқликни хурвиқор тоғлардан, гурур-ифтихорни азим чинорлардан, яхши гапларни ширин ва аччиқ ҳақиқатдан олишган дейишади. Дунёда ана шундай улуғ сиймолар бор. Улар олдидан биз ҳаммамиз ҳам бир умрга қарздормиз.

Uzbek TV New York

Приглашаем вас на концерт посвященный к празднику

“Наврўз”

При участии Узбекских и Бухарских звезд!

21 марта 2012 в 8:30 pm

Contact: 718-600-6518

Банкетный стол 80\$

Ресторан: 'Orion Palace'
по адресу: 2555 McDonald Avenue
Brooklyn, NY 11223

Наргис, Мухаббат Шамаева, Тамира Катаева, Дилшоҳ Зокиров, Жамшид Туйчиев, Ахмад Бердумуратов, Каромат Отажонова, София Сафторова, Сайфитдин Пазлетдинов, Майкл Малаков

Сира ҳам нолима, шу - ота-онанг
Сенинг шу қалбингда жўш уриб турган.
Улардур ягона азиз парвонанг.
Улардур сен учун ўт-сувга кирган.
Уларнинг, мана, оқ сочи бошларига боқ!
Юз-кўзин қоплаган ажинин сана.
Кўзойнақ тақмасди авваллар бундоқ.
Тик қадди букчайиб қоляпти ана!
Уларнинг барчаси сени, деб, фарзанд.
Сени деб йилларнинг жангидан ўтган.
Нимаики топди: оқми, қора нон,
Авалло кўш қўлаб у сенга тутган"

Илоҳим, оналаримиз ризолигини олиш, уларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш барчамизга насиб этсин. Замонамизни жилвадек беғубор нурларга тўлдирган, кўнглимизни равшан этиб келаётган онажонларимиз, бувижонларимиз ҳамиша, ҳар доим бошимизга омон бўлишсин.

Нилуфар АШРАФЗОДА САЛИМОВА.

ОЛИМЛАРНИНГ РАФИҚАЛАРИГА

Сиз моҳи тобонсиз, малаксиз, пари,
Энг улкан даҳрийлар топинган санам.
Сиз буюк давримнинг фидойилари,
Аҳли донишларга энг мунис ҳамдам.
Олимнинг уйини чароғон этган
Меҳру шафқатингиз, юрак тафтингиз.
У олам китобин битган чоғида
Елкасида бўлган илиқ кафтингиз.
Севган ёрингизга жон фидо айлаб
Парвона бўлурсиз кечау кундуз,
Сизнинг номингизни олса не ажаб
Осмон жадвалида бир талай юлдуз.
Кимёгар янги бир зарра кашф этса,
Бу ижод боиси бўлган ҳойнаҳой -
Стонинг четига сиз кўйиб кетган
Бир чақмоқ қанд билан бир пиёла чой.
Юлдузлар кўйнига самовий йўлдан
Парвоз қилар экан буюк тафаккур,
Олимлар зехнининг чароғи бўлган
Мунис аяжонлар, Сизга ташаккур.

Эркин ВОХИДОВ.

ФЕВРАЛЬ ОЙИНИНГ

Шаҳзодадан бир ҳафталик концерт

Таниқли ўзбек эстрада юлдузи Шаҳзоданинг расмий сайти хабар беришича, хонанда Тошкентдаги "Истиқлол" (собик "Халқлар дўстлиги") санъат саройида концерт беради.



Жорий йилнинг 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 май кунлари бўлиб ўтадиган концертда хонанда ўзининг махсус шоусини тақдим қилиши айтилмоқда.

«Super Bowl» твиттерда рекорд ўрнатди

Америка миллий футбол лигасининг суперкубогини (Super Bowl) New York Giants қўлга киритди. Улар New England Patriots жамоасини 27-14 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бу мусобақа АҚШда энг муҳим спорт воқеаси бўлиб, мазкур ўйин пайтида

секундига ўртача 10000 та твиттер хабари ёзилиб, янги рекорд қўйилди. Эслатиб ўтамиз, бу йилги ўйиннинг ТВ-намойиши вақтидаги рекламанинг 30 сонияси 3,5 миллион АҚШ долларига баҳоланди.

Ўзбеклар бахтлилар рўйхатида

Халқаро Гэллап тадқиқот маркази томонидан ўтказилган сўров мавзуси аҳолининг ўзини қай даражада бахтли ҳис қилишига бағишланди. Унда дунёнинг 58 та мамлакатидан 45 минг киши қатнашди. Улар ичида Ўзбекистон 13 ўринни эгаллади. Бу ерда бахтлилик индекси 62 фоизни ташкил этди.

Маймунлар шаробхўрлик қилади



"Франс-пресс" ахборот агентлигининг ёзишича, Қозоғистонда ҳайвонот боғи мутасаддилари қаҳратон совуқда маймунлар нобуд бўлишининг олдини олиш мақсадида уларга қизил вино ичиришмоқда. Зоопарк мутахассисларининг айтишича, бу маймунларни ўткир шамоллаш билан боғлиқ касалликларга чалинишдан муҳофаза қилар экан.

Шариат судларига рухсат беришни таклиф қилди

Германиянинг Рейнланд-Пфальц федерал ери адлия вазири Йохен Хартлофф шариат судларига рухсат бериш таклифини киритди. Унинг Berliner Zeitungга берган интервьюсида айтилишича, агар немис шариат судлари тижорат ёки савдо ҳакамлик судлари каби иш юритадиган бўлса, уларга рухсат берилиши керак. Бунинг учун, албатта, жазо чоралари инсонпарварлик гояларига асосланиши керак, дейди у.

Ўзбекистонда улуғ шоир асарларининг янги 10 жилдлик тўплами нашрдан чиқарилди. Эслатиб ўтиш жоизки, бундан олдин ҳазрат Навоийнинг асарлари 3, 15 ва

20 томлик шаклда нашр этилган. Янги тўпланда эса аввалги нашрлардаги камчиликлар бартараф этилган, сўз ва ибораларга шарҳлар берилган.

Эронга қарши яна бир чора

АҚШ президенти Барак Обама Эроннинг Америка ҳудудида жойлашган барча активларини музлатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди.



"Франс-пресс" ахборот агентлигининг қайд этишича, АҚШ ҳукумати шу йўл билан Эронга босимни янада кучайтириб, ушбу мамлакат Марказий банки ва бошқа банклар яширин халқаро ҳисоб-китобларининг олдини олмоқчи.

Сайёҳлар сони кўпайди

Ўзбекистонда 2011 йилда хизмат кўрсатилган хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар сони бир миллиондан ошган. Бу борада ўсиш суръати 2010 йилга қараганда 5,4 фоизни ташкил этган. Ҳозирда мамлакатда 828 та сайёҳлик ташкилоти фаолият бўлиб, улардан 510 таси туроператор, 318 таси меҳмонхона хўжалиги билан шуғулланади.

Фабио Капелло ишдан кетди



Англия миллий терма жамоаси бош мураббийи Фабио Капелло истеъфосига чиқди. Мураббий Англия футбол уюшмасининг Терридан сардорлик боғичини олиб қўйиш ҳақидаги ажримига норозилик билдириб, шундай қарорга келган. Фабио Капелло Англия футбол ассоциацияси президенти Дэвид Бернштейн билан бир соатдан ортиқ мулоқотдан сўнг ишдан кетиши ҳақида ариза ёзган.

Facebook яна қимматлади

Дунёдаги энг йирик ижтимоий тармоқ - Facebook акцияларининг биржага бирламчи жойлаштирилиши ҳақидаги хабарлар компаниянинг қийматини янада оширди. Сўнгги бир ҳафтада компания акциялари қиймати 10 фоизга қимматлаган.



Қизлар бир йил кеч турмушга чиқиши мумкин



Ўзбекистон парламентининг қуйи палатаси депутатлари Оила кодексига ўзгартиш киритишни таклиф қилишмоқда. Унга кўра, қизларнинг турмуш қуриши учун энг кичик ёш 18 ёш этиб белгиланиши керак. Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, никоҳ ёши эркеклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш ҳисобланади.

Суд давом эттирилди

Кеча АҚШда террорчилик гуруҳларига ёрдам бериш ва бундай кўмак кўрсатишга ҳаракат қилганликда айбланаётган Ўзбекистонлик Жамшид Мухторов устидан суд жараёни давом эттирилди. Айбланувчининг адвокати Жамшид Мухторов сақланаётган қамоқхона шароитлари ўта қониқарсиз эканлигини маълум қилган.



Ўзбекистонлик яна бир медиа-магнат

Ўзбекистонлик Яшар Қосумов Латвияда чоп этиладиган "Телеграф" газетаси ва "telegraf.lv" порталининг ягона хўжайини бўлди.

Маълумотларга кўра, "News media group" акциядорлик жамиятининг 685 минг латга (1,3 миллион АҚШ доллари) тенг бўлган

барча акцияларига эндиликда Яшар Қосумов эгалик қилади. "Телеграф" кундалик нашр бўлиб, бир қанча иловалар билан чоп этилади.

Биринчи Жаҳон урушининг сўнгги қурбони

Буюк Британияда Биринчи Жаҳон урушида қатнашган сўнгги ҳарбий хизматчи Флоранс Грин вафот этди. ББС тарқатган хабарга кўра, у икки ҳафтадан сўнг 111 ёшни қарши олиши керак эди. Флоранс Грин Биринчи Жаҳон уруши даврида Қироллик ҳаво кучларининг аёллар бўлимида хизмат қилган.

Алишер Навоий асарлар тўплами чоп этилди

Юнонлар чегарада девор қуришмоқчи

Греция Туркия билан чегарада девор қуриб, Европа Иттифоқига интилаётган ноқонуний иммигрантларга тўсиқ қўймоқчи, деб хабар тарқатади АР.

Жорий йилнинг сентябрига қадар қурилиши режалаштирилаётган мазкур деворнинг узунлиги 10 километрни ташкил қилади. Греция расмийларининг қайд этишича, 2011 йилда Греция орқали Европа Иттифоқи ҳудудига 51 минг нафардан ортиқ ноқонуний иммигрантлар кириб келган.



ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

СМСлар ажрашиш учун «яхши далил»

Янги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, ижтимоий тармоқлар фуқароларнинг ажрашишларида далил йиғишда асосий воситага айланиб бормоқда. Америка никоҳ масалалари бўйича адвокатлар академияси ўтказган сўровга кўра, 92 фоиз адвокатлар сўнгги йилларда эр-хотинларнинг ажрашишида телефон мулоқотлари, СМСлар, ижтимоий-тармоқлардаги ёзишмалари далил сифатида келтирилатганини қайд этишган.



Улуғбек Қодировга янги айблов эълон қилинди

АҚШ президенти Барак Обама ҳаётига суиқасд уюштиришга таҳдид қилганлик айби билан ҳибсга олинган ўзбекистонлик Улуғбек Қодировга янги айблов эълон қилинди.

"Associated Press" ахборот агентлигининг федераль прокуратура органларига таяниб хабар беришича, терроризмга моддий кўмак кўрсатиш айби қўйилган. Прокурорлар бундан Улуғбек Қодировнинг портловчи моддалар ва қурол сотиб олгани билан изоҳлашмоқда. Эслатиб ўтамиз, у 2011 йилнинг 13 июлида ҳибсга олинган эди.

АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси янги қонунни қабул қилди. Унга кўра, эндилик Конгресс аъзолари инсайдер, яъни хизмат учун мўлжалланган ахборотлардан тижорат мақсадида фойдаланиши тақиқланади.

«Ишдаги гап ишда қолсин»

Парламентга тақдим этилган махфий ахборотлардан фойдаланиб, турли биржа ва кўчмас мулк савдоларини амалга оширишни чеклайдиган мазкур "STOCK Act" ҳужжати 2006 йилда Конгрессга киритилган бўлиб, уни биринчи ўқишда депутатлар қўллаб-қувватламаган эди.

Ким интернетдан кўп фойдаланади?

Internet World Stats маълумотларига кўра, Ўзбекистонда аҳолининг интернетдан фойдаланиш даражаси 26,8 фоизни ташкил қилмоқда. Мамлакатимиз бунда Осиёнинг 35 та давлати орасида 16-ўринни эгаллаган.

Аҳолининг энг кўп қисми интернетдан фойдаланиш бўйича скандинавия мамлакатлари, шу жумладан, Исландия 97 фоиз, Норвегия 94,4 фоиз ҳамда Швеция 92,4 фоиз билан олдинги ўринларни эгаллаган.

Уитни Хьюстон 48 ёшида оламдан ўтди



Машҳур актриса, ўз кўшиқлари билан миллионлаб мухлислар қалбидан жой олган Уитни Хьюстон вафот этди.

Унинг жасадини Лос-Анжелесдаги Beverly Hilton меҳмонхонасидаги хонасидан топишган. Ҳозирча унинг ўлимига нима сабаб бўлгани номаълум. Ўзбекистонлик мусиқа шинавандалари уни "Хос соқчи" фильмидаги роли ва унда куйлаган "I will always love you" кўшиғидан яхши билишади.

АҚШ ҳукумати 11 нафар иммигрантга 350 минг доллар миқдорида товон пули тўлашга рози бўлди.

Ўзбекистонга «яшил» бинолар керак

Биноларни "яшиллаштириш" йўқлиги боис умумий энергия йўқотишлари миқдори \$2,115 млрд. маблағни ташкил этади.

АҚШ иммигрантларга товон тўлайди

"Associated Press" хабарида келтирилишича, иммиграция хизмати 2007 йили Коннектикутда олиб борган рейдларида амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилмаган. Давовгарларга кўра, иммиграция ходимлари уларни санкциясиз, иммиграция мақомини суриштирмасдан ва ҳеч қанақа сабаб келтирмасдан ҳибсга олган. Ҳукумат, шунингдек, давовгарларни депортация қилиш жараёнини ҳам тўхтатди.

Afrosiyob ҳар куни қатнайди




"Ўзтемирийўлийловчи" ОАЖ юқори тезликда ҳаракатланувчи Afrosiyob поездининг рейслари сонини оширди. Эндиликда Тошкент - Самарқанд - Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланувчи ушбу поезд ҳар куни юрадиган бўлди. Эслатиб ўтамиз, шу пайтга қадар поезд фақат беш кун қатнар эди. Поезд эрталаб соат 8:00 да Самарқандга йўл олса, у ерда соат 17:00 да Тошкентга қараб қайтади.

"Ўзтемирийўлийловчи" ОАЖ юқори тезликда ҳаракатланувчи Afrosiyob поездининг рейслари сонини оширди. Эндиликда Тошкент - Самарқанд - Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланувчи ушбу поезд ҳар куни юрадиган бўлди. Эслатиб ўтамиз, шу пайтга қадар поезд фақат беш кун қатнар эди. Поезд эрталаб соат 8:00 да Самарқандга йўл олса, у ерда соат 17:00 да Тошкентга қараб қайтади.

Шохрўх Петербургдаги концертига бормади

Ўзбекистон ёшларининг машҳур кўшиқчиларидан бири Шохрўхон Санкт-Петербургда режалаштирилган концертига бормаган. Сайёд.ўз сайтининг ёзишича, интернет оламидаги ижтимоий сайтлар, хусусан, "Одноклассники", "МойМир" ва бошқа сайтларда Шохрўхоннинг 14 февраль куни бўлиб ўтадиган концерти реклама баннерлари намойиш қилинди. Санкт-Петербург кўчаларида ҳам рекламалар жойлаштирилган. Маълумотларга қараганда, хонанда Питерга концерт ташкилотлари билан бўлган келишмовчилик сабабли бормаган.




Райҳон: «Биринчи марта концертим онамсиз ўтди»



Тошкентдаги "Истиклол" санъат саройида ёшларнинг севимли хонандаси Райҳон концерти бўлиб ўтди.

Концерт репертуари анча ранг-баранг бўлиб, унда Озодбек Назарбеков, Сардор Раҳимхон, Улуғбек Раҳматуллаев, Жаҳонгир Позилжонов, Алишер Узоқовлар биргаликда мусиқий композициялар тақдим қилинган. Райҳон концертида оғир бетоблиги учун онаси қатнашмаётганлигини афсус билан айтиб ўтган. Мухлисларнинг фикрича, концерт жуда яхши ўтган.

Райҳон концертининг сўнгги кунда онаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса Тамара Шокирова вафот этди ва концерт бекор қилинди.



Ўлганлар ҳам овоз берадими?

АҚШда 24 миллион нафар сайловчини рўйхатга олишда амалдаги қонунчилик талаблари бузилган. Бу Pew тадқиқотлар маркази томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида аниқланган. Эътиборли жиҳати, рўйхатга олинган сайловчилардан 1,8 миллион нафари аллақачон ҳаётдан кўз юмган бўлса, 2,75 миллиони бир штатда бир неча марта рўйхатдан ўтказилган. Айтилган 51 миллион сайловчи ҳали рўйхатга олинмаган. Тадқиқотчилар фикрича, бу вазият амалдаги сайловчиларни рўйхатга олиш тизими бирмунча эскиргани туфайли юзага келган.

Янги институт куёш билан шуғулланади

Ўзбекистонда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Куёш энергияси бўйича кўшма халқаро илмий тадқиқот институти ташкил этилади. Бу ҳақдаги келишув меморандуми ОТБ президенти Харухико Курода ҳамда Ўзбекистон Республи-

каси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов ўртасида имзоланган. Осиё тараққиёт банки томонидан куёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун 200 млн. АҚШ доллари ажратилиши кўзда тутилган.

Матбуотда нима гап?



Навоий асарлари - келин-куёвларга

Мустаҳкам оила йилида Самарқандда ибратли ташаббусга қўл урилди. Янги оила қураётган келин-куёвларга Алишер Навоий асарларини тухфа қилиш, бу бебаҳо бойликни қизларга келин сепи сифатида бериш яхши анъанага айланмоқда.

Самарқанд шаҳридаги Ҳазора маҳалласида яшовчи Холматовлар хонадонига келин бўлиб тушган Шаҳрибону Жозилова бу оилага Алишер Навоий асарлари тўплами ҳамда бир қатор маърифий китоблар билан кириб келди.

"Ҳар бир ота-она сингари фарзандимизнинг билимли бўлиши, касб-хунарга эгаллашига астойдил ҳаракат қилдик, - дейди келиннинг онаси Мусаввар Санақулова. - Қизим мактабда аъло баҳоларга ўқиб, сўнгра тиббиёт коллежида тахсил олди. Рўзгор тутиш, оилада аёлнинг вазифаси бўйича ҳам билганларимни фарзандимга ўргатдим. Болаларимизни ёшлигидан китоб ўқишга, маърифатли бўлишга даъват этганмиз. Бу уларни тарбиялашда ўзимизга ҳам қўл келди. Шаҳрибонуни янги оилага узатишдан аввал турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, унинг сепига буюк бобомиз Алишер Навоий асарларини ҳам қўшдик. Чунки қизимизни келинликка олаётган оила аъзолари ҳам зиёли инсонлар, китобнинг кадр-қимматини яхши билишади. Шунинг учун янги қурилаётган оилада ҳам китоб энг қимматли бойлик бўлишини, улуғ бобомиз асарларида тараннум этилган эзгу ғоя ва мақсадлар фарзандларимизга йўлдош бўлишини истаб, уларга энг ноёб китобларни совға қил-

дик".

"Шаҳрибонуга коллежда сабоқ берганим учун унинг оиласи, одоби, таълим-тарбиясидан яхши хабардорман, - дейди келиннинг қайнонаси, Сиёб тиббиёт коллежи ўқитувчиси Зебо Холматова. - Шаҳрибонунинг келинлик сепи ичида китоблар ҳам борлигини кўриб, жуда хурсанд бўлдик. Негаки, китобга ошно бўлган инсоннинг маънавияти юксак бўлади, фақат яхшилик ҳақида ўйлайди. Айниқса, Навоий асарлари ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, уларнинг тафаккурини кенгайтириш, оилада самимий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, турли ёт ғоя ва таъсирлардан асрайди. Қариндош-уруғ, маҳалладошларимиз ҳам ёш келин-куёвларга турли хил кераксиз буюму матолардан кўра, китоб совға қилиш ҳар томонлама фойдали, деган фикрни қўллаб-қувватламоқдалар".

Бу йил вилоятда Мустаҳкам оила йили муносабати билан ҳокимлик ва турли идоралар, ҳомий ташкилотлар ёрдамида ўтказиладиган никоҳ тўйларида ҳам келин-куёвларга рўзгор учун керакли мебель, телевизор каби буюмлар билан бирга Алишер Навоий ва бошқа буюк алломаларимиз асарлари тўплами совға қилинади.

Ғолиб Ҳасанов, ЎЗА.

Янги балиқ тури парваришланмоқда

Хоразм Маъмур академияси олимлари янгидан-янги изланишлар олиб боришмоқда. Шу боис ҳам мазкур даргоҳ ютуқлари йилдан-йилга кўпаймоқда.

Яқинда яна бир янги хайрли ишга қўл урилди. Академия раиси, биология фанлари доктори Рўзимбой Эшжонов ташаббуси билан Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган бакра балиқларини кўпайтириш бўйича амалий ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, бу борада Россия балиқчилик илмий текшириш институти

давлат унитар корхонаси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Унга асосан балиқни кўпайтириш учун махсус сунъий сув ҳавзаси ва унинг ускуналари келтирилди. Сув ҳавзаси академиянинг қишки боғига ўрнатилди. Нозирги кунда катта илмий ходим Зокиржон Ражабов назорати остида бакра балиқлари парваришланмоқда.

- Бу жуда мураккаб иш, - дейди З. Ражабов. - Улар вақтида озиклантирилмаса кўп захматлар эвазига олиб келинган ва парваришланаёт-

ган балиқлар нобуд бўлиб, меҳнатимиз зое кетиши мумкин. Шу боис бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўраяпмиз. Ноёб балиқ турлари кечаси кундузи назорат остида.

Хуллас, яқин келажакда сунъий ҳавзада ўстирилиб, кўпайтирилган бакра балиқларини Амударёда кўпайтириш ва балиқчилик ҳўжалиқларига етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА.
"Маҳалла" газетаси.

Ярашиқли номлар

қулоққа жарангдор эшитилади

Маҳалламиз илгари Галакапа деб аталарди. Ваҳоланки, ҳудудимиз туман марказининг бешдан бир қисмини қамраб олган. Галакапа эса дарё бўйидаги қишлоқ, марказдан икки-уч чақирим олисда, топонимик жиҳатдан тарихи ҳам бор. Шу боис маҳалламизга хос хусусиятлар эътиборга олиниб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги атамашунослик комиссиясига таклиф киритдик.

Туман марказининг нисбатан янги ҳудуди ҳисобланмиш бу жойларда ўтган аср олтмишинчи йилларидан янги участкалар қурила бошлаган. Бир томони Мирзаарик бўйларигача, жанубий қисми Зарафшон дарёси соҳилларигача чўзилган ҳудудимизда аҳоли истиқоматгоҳларидан ташқари мада-

ний-маиший ва сервис хизмат кўрсатиш бинолари, савдо шохобчалари, мактаб ва боғчалар жойлашган. Анча обод ва бош режа асосидаги уй-жойлардан иборат маҳалламизга ўтган йил октябрь ойида вилоят Кенгаши қарорига мувофиқ, Зарафшон маҳалласи деб ном берилди.

Кўнгилни шод этадигани, туман марказидаги катта кўчалардан бири (илгари Пушкин номли эди) ҳам шайх Худодод Вали номи билан аталгани бўлди.

Бу номлар қулоққа жарангдор эшитилади.

Ойхумор АСАДОВА,
Жомбой туманидаги Зарафшон маҳалла фуқаролар йиғини раиси.
"Зарафшон" газетаси.

Бодом гуллади

Баҳор насимлари, кўклам нафаси жаннатмакон ўлкамизнинг сўлим воҳаси Сурхондарёдан - очилган бодомнинг қийғос гулларида бошланади.

- Балиқ йили анча баракали ва серёғин келди, - дейди Денов шахрининг "Лолазор" маҳалласида истиқомат қилувчи 102 ёшли Холдона момо Бердиқулова.

Ўтган йили январ ойининг бошларидаёқ воҳада бодом ва ўрик гуллаган бўлса, бу йил февраль ойи поёнида Жарқўрғонда яшил олам уйғонди.

- Яқинда ҳовлимизда бодом гуллади, - дейди Жарқўрғон туманидаги "Бешбу-

лоқ" маҳалласида истиқомат қилувчи Султон Мўминов. - Қўшнимизнинг уйдаги ўрик ҳам оқ либосга бурканган. Шукрона келтираётган кайвони момоларимиз минг дардга шифо сумалак ва ҳалим каби миллий таомларимизни тайёрлашни бошлаб юборишди...

Жанубда саҳродир, Шимолда муз, қор,

Фарбда чайқалади уммонлар виқор.



Агар Шарқ бўлмаса рўйи-заминга,

Қайдан келар эди, мўжиза - Баҳор!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.
«Ўзбекистон овози» газетаси.

Абадий соғинч

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али романидан бир лавҳа

Дарвоқе, ватандошимиз Жўрақори Бўтакўз ҳақида бир-икки оғиз сўз айтиш истаги туғилди. 2004 йилнинг охирлари эди. Ушбу китобни битириб, босмага беришдан олдин уни ҳозир Тошкентда истиқомат қилаётган зукко ва донишманд ватандошимизга ўқиб, лозим топган жойларга таҳрир назари билан қарашларини сўраб мурожаат этдим. У киши қўлёзми синчиклаб ўқиб чиқдилар, айрим керакли мулоҳазаларини билдирдилар ва ушбу мактубни каминага йўлладилар. Китобда тасирланган воқеалар шоҳиди бўлган, айниқса, қахрамонимиз Саид Маҳмудхон Тўрани яқиндан билган кишининг фикрлари ўқувчиларимиз учун қизиқарли бўлишини назарда тутиб, мактубни келтириб ўтишга қарор қилдим.

Мактуб

Хоки-ю аз нуриён показатар
Аз мақоми фақру шоҳи бохабар

ИҚБОЛ

Хурматли Муҳаммад Алижон!

Хорманг, эсонмисиз? Соғлигингиз орзуимдир. "Абадий соғинчлар" деган рўмонингизни ўқидим, тўғриси айтсам, сиз қўлга олган мавзу ҳали етарли даражада очилмаган, ўрганилмаган соҳа эди. Бу мавзу бир пайтда гўзал, айна пайтда малул хайратангиз эди.

Жумладан, Саид Маҳмудхон Тўра ҳазратларининг ибратли ҳаёт йўлларини кучли қаламингиз билан равон тилда ўқиган киши баҳрлана оладиган услубда баён қилиб беришингиз барча қатори мени ҳам мафтун этди. Бу ҳаракат билан сиз, Тўрам ҳазратларининг тимсолларида, чет элларда, фироқ водийсида гоҳо адашиб, гоҳ унинг учкунини кўриб, Она Ватанлари сори талпиниб, интилиб машъал бўлғудек миллий маданиятга муҳтож жигаргўшаларингизга: "Жигарларим! Сизларни унутмадик, бормисизлар, соғмисизлар авлодларим, биздан айрилиқда авҳолингиз нечук кечди" деб Она Ватанлари - азиз Ўзбекистоннинг муборак қўлини улар томон узатиб, хайрли иш қилибсиз.

Саид Маҳмудхон Тўра ҳазратларининг саргузаштларини беками кўст ёзиб олинишида, тарихимизнинг бир парчасини ўрганишимизда ёрдамчи бўлган катта оғамиз Саид Аҳмадхон Тўра билан укалари Насруллоҳ Тўра жаноблариға раҳматлар айтмоғимиз ўринлидир.

Энди ўрни келганда, тўрам ҳазратларини яқиндан таниш шарафига қан-

дай ноил бўлганимни, файз олганимни ҳамиша эслаб юрганимдек, шу гўзал фурсатдан фойдаланиб, яна ул ҳазратни эслаб руҳларини шод этиш орзу-



сида қуйидаги қисқа хикояни келтираман.

Афғонистон пойтахти Кобул. 1939 йил. Сайиджон тоғам мени қори қилиш истагида ҳукумат қарамоғида "Дорул-Ҳаф-фоз" номли диний мактабга олиб борди. У ерда қорихонанинг мудир Ра-сул қорига мурожаат қилиб тилагини арз қилди. Қори дедик: "Акамолло (улар бизга шундай хитоб қилишарди) бола ҳали ёш, қуръонни ёд қила олмайди. Узун чопон кийгизиб қўйибсан, узун чопон кийган чопон катта бўлиб қолмайди-ку!", деди. Тоғам билан мен маъюс бўлиб уйга қайтиб келдик. Эртаси тоғам, юр, Тўра Соҳибга борамиз, деб мени Муродхоний маҳалласига етаклаб борди. Тўра Соҳиб меҳмонхоналарида бизни меҳрибонлик билан кутиб

олдилар. Дастурхон ёзди-лар. Иссиқ нон, ҳалво қўйдилар. Жийдагули пиёлада чой узатдилар. Сўнг аҳвол сўраб, қандай сабаб келганимизни билмоқчи бўлдилар. Тоғам кечаги воқеани айтиб берди. Тўра Соҳиб камзул шим киймас эдилар. Обо аждодимиз қиёфасида юрар эдилар. Қозикдаги ҳазоралар

қўлда тўқиган пиёзий чакмонларини кийдиларда-да, "Қани, юринглар!" дедилар. Дорул-ҳаффозга бордик.

Мактаб мудир, ўқитувчилари ўлтиришган экан. Ҳаммалари ўринларидан туриб: "Хўш омадед! Хуш омадед, Тўра Соҳиб!", деб эҳтиром кўрсатиб тўрга таклиф қилдилар. Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин: "Хайр бўлсин Тўра Соҳиб, бизга қандай хизмат бор", дейишди. Тўра Соҳиб пойга(к)да ўтирган бизни қўллари билан ишора қилиб мақсадни айтдилар. Мактаб мудир: "Тўра Соҳиб, булар тунов кун келишувди, бола ёш бўлгани учун илтимосларини рад қилишган эди", деди. Тўра Соҳиб: "Қори бўлиш ишқидаги болани катта бўлгунча мунтазир талаб қилиб олинглар", дедилар. Мудир ўйлашиб туриб: "Хўп

бўлади, Тўра Соҳиб! Сиз айтганча мунтазир талаба бўлсин", деди-ю мени қайд қилиб қўйди. "Эртдан бошлаб Ҳожи Тожмуҳаммадхондан дарс олурсан!", деди. Дарсларда бошқа талабалар билан тенг масъулиятли, тенг ҳуқуқли талаба бўлиб қолдим...

Афғонистон подшоҳи Муҳаммад Зоҳиршоҳ йилда беш бор қориларни Арки Шоҳийга даъват этиб, шоҳона зиёфат берарди. Ана ўша зиёфатлар ҳам Тўра Соҳибнинг иштироки-сиз ўтмасди. У киши туфайли мактабни яхши баҳолар бтириб чиққач, Кобулда Жўрақори бўлиб танилдим. Ҳукумати Илоҳиянинг вакили Мавлоно Мансурнинг ҳар йил таровийҳ намозида бўлиб ўтадиган хатм қуръонларида забардаст қорилар қаторида иштирок этдим. Айниқса, Ҳиндистон, Покистонда қарилгим соясида кўп обрў кўрдим. Бу обрўлар халқ ичидагина эмас, давлат арбобларидан тортиб, юқори, қуйи ҳар табақаси мени ҳурмат қилар эди. Ватандошларимнинг ҳар қандай мушкулларини осон қилиш учун етгишли идораларга борганимизда, мени танишмаса ҳам, улар мени таниб, ўринларидан туриб, илтифот билан: "Ҳофиз Соҳиб, хуш келдингиз!" деб, ҳатто айримлари чой, бискуват (кулча) келтириб, бизга қандай хизмат бор, дер эдилар. Уларда таъма, ришват деган гап йўқ эди. Иш ҳамон ҳал бўлар эди. "Ҳофиз Соҳиб, эртага келинг, ёки, бу ишнинг иложи йўқ", деган сўзни эшитганим йўқ, ўйлаб қарасам. Бу воқеаларнинг айримлари Покистоннинг "Жанг", "Анжом", Навоий вақт", "Имрўз" каби катта газеталарида ёзилиб чиққан. Мусофират ўлкасида шундай яшашимда Тўра Соҳибнинг табаррук ҳиссалари бор. Фурбат диёрида бечора бўла туриб мендек катта-ю кичик таниган, улардан санимий ҳурмат кўрган мусофир дунёда оз бўлса

керак. Шунинг учун Тўра Соҳибни ҳамиша эслаб юраман, ётган жойлари жаннатда бўлсин.

Муҳаммад Алижон, нима учун мактубимнинг бошида Ҳиндистоннинг улуг шоири Муҳаммад Иқболдан байт келтирганимни англа-гандирсиз. Байтнинг теран мазмунига қарангиз: тупроқдан яралган бўлса ҳам, нурдан бўлганлардан покизароқ зот, гадоликдан то шоҳлик мақомигача барча нарсдан хабардор, дейилади унда. Саид Маҳмудхон Тўрани эслаганимда беихтиёр мазкур байт ёдимга тушгани бежиз эмас... Чиндан ҳам, Саид Маҳмудхон Тўра гадоликдан то шоҳлик мақомигача барча нарсдан хабардор, ўзи тупроқдан бўлса ҳам нурдан бўлганлардан покизароқ зот эди...

Хулоса шулки, Ўзбек улусидан мутасаввуфлар чиқиб туриши тўхтаб қолгани йўқ. Аҳмад Яссавийдан бошланган тасаввуф Роби-яхоним Балхий, Жамолиддин Балхий, Сумма Румий, Баҳовуддин Нақшбандий, Хўжа Аҳрор Валий, Шоҳ Машраблар силсиласи Маҳмудхон Тўра ҳазратлари тимсолларида кейинги авлодга боғланадур.

Демак, ишончим комилки, келгусида ҳам Ўзбек улусидан мутасаввуфлар, авлиёлар чиқиб, атрофга нур сочиб турғувсидур. Машойихлар Ўзбекистонни "Боғи бузурғон", деб бе-корга айтмаганлар.

Сўнги сўз шулки, ушбу қийматли, қизиқарли асарнинг вужудга келишида хизматлари кўрилган азизларни такрор-такрор табриклар, уларга узун-узун умрлар тилаб, севгиларимни билдириб, эсонликлар тилайман.

Жўрақори Бўтакўз,
Февраль 2005 йил,
Тошкент.

“ЛОНДОН” СКАНВОРДИ

										... та Кристи	Тарихий кўзгол
	Қисқартма кўшма сўзлар	Бир ёкли бўлмоқ	Юнон мифларидаги гўзаллик тинчсоли	Мавҳум	Қизлар исми Колумбия						
				Оёғи майиб бўлган	Ахлоқ Жамият бўлаги						... Гранде, дарё, АҚШ
	Қаландар	"Чинор остидаги дуэль" даги бола					Грамматик категория (рус)	Саёҳат			
				Томас Майн ...				Кейин			
	Ақалли Кичик сурнай	Уруш	Билим	Рус миллий мусиқа асбоби							
					Лампа қалпоғи		Том ... (Марк Твен)	Худуд, чегара	7 кун		Ҳиндулар қабиласи
				Муруватли Ғужанак		Илон, "Маугли" ... роф, муҳит					
Қаландарсифат	Қарор, амр буйруқ				Кристиан ...	Денгиз жонивори	Денгиз карами	"Бог ... қўйсам қадам"			
Разил					Ошпаз						
					Сўл						
				Мангулик				Юпқанон тури			Қутқарувчи, халоскор
				Бар-тараф			Аомин, давлат, Осиё	Телефон станцияси			
				... Гамсун, ёзувчи			Ўргимчак уяси	Миртемир достони			"... Мўжизалар мамлакатамда"
	Буюқ ҳинд актрисаси	Бразилия футболчиси	Германия пул бирлиги		Хитой халқ қаҳрамони	Россиядаги партия	Тиниш белги				
				Бир лаҳза, он						Енгил шабада	
	Буюртма (рус)	Сув идиш		Катта ер эгаси	Бошлиқ	Автопойга					
	...Новости, Россия АА				Пайгамбар	Уй ҳайвони		Тиниш белги			
				Пойтахти Вена				...лик			Буюқ юнон мутафаккири

www.ziyouz.com

Ботир Қодиров кўшиқлари «blu-ray» дискларида

Ботир Қодиров икки йил танаффусдан берган якканон концерти муваффақиятли ўтгач, яна бир яхши қўл урмоқчи, деб хабар бе-

ради шов-шув.ўз сайти. Хонанданинг янги альбоми ва видеодастури "Синема Маркет" компаниясида ўзгача дизайн ва диск ти-

зимининг янги авлоди билан сотувга чиқарилади. Видео-альбом ўзбек шоу оламида илк мартаба "blu-ray" дискларида ёзи-

лади! Сайтнинг ёзишича, Стинг, Мадонна, Бритни Спирс каби жаҳон юлдузлари қаторида энди Қодировнинг видео альбомидан ҳам энг юқори тиниқликда баҳраманд бўласиз.

Дунёни ўзгартираман деб ҳаракат қилма



Қадим замонларда бир обод давлатга ҳукмронлик қиладиган подшоҳ бўлган экан. Бир куни у ўз давлатининг баъзи жойларини айлангани чиқибди. Сафардан сўнг, у бундай узоқ сафарга биринчи марта чикқани учун оёғи жудаям оғриганини ва у юрган йўл жудаям нотекис ва тошли эканлигидан шикоят қилибди. Шундан сўнг у ўз одамларига бутун мамлакатнинг йўлларини тери билан қоплашни буюрибди. Бу эса, шубҳасиз, минглаб молларнинг қурбон бўлишига ва жуда катта маблағнинг сарфланишига сабаб бўлар эди.

Шунда унинг бир хизматкори ўзида журъат топиб подшоҳга: "Нима учун шунча катта маблағни заруриятсиз ишлатмоқчисиз? Биргина кичкина тери бўлагини олиб, оёғингизни шу тери билан қопласангиз бўлмайдими?", - деб маслаҳат берибди.

Шунда қирол таажубланибди ва унинг доно маслаҳатига қулоқ солиб, ўзи учун теридан оёқ кийим тиктирибди.

Бу ҳикоянинг ҳаётимиз учун фойдаси шуки, биз бу дунёда бахтли, шоду-хуррам ҳаёт кечиришимиз учун, аввало, ўзимизни камчиликларимизни тузатишимиз, ахлоқимизни янада гўзаллаштиришимиз, ёмон одатларимизни тарк қилиб, ўзгартиришни дунёдан эмас, ўзимиздан бошлашимиз керак бўлар экан.

<p>Уйланмоқчиман!</p> <p>Contact Odil Phone: 716-697-7465 Location : NY, US More Information Salom hammaga. Man o'zimga iboli, hayoli, vafoli hamda chiroyli umr yo'ldosh qidirvomman. Ya'ni shu yerda oilasi bilann turadigan yoki shu yerda anchadan beri istiqomat qiladigan va qolaversa ma'lumotli bo'lgani yaxshi. (o'zim haqimda ba'zi ma'lumotlar). Ismim - Odil. Toshkentli. 20 yosh. O'rta ma'lumotli. 2010-yil o'qish bilan kelganman va hozirda shu yerda istiqomat qilaman.</p>	<p>Ижарага уй керак!</p> <p>Contact Abdu Phone: 415-646-6893. Location : NY, US More Information Brooklynda Ocean Ave va Foster Avelarga yaqin</p> <p>joydan bitta xona ijaraga kerak. Ijara 1-apreldan boshlanishi kerak bo'ladi. Uy narxi va takliflar bo'lsa, iltimos, telefon qilinglar 415-646-6893. Rahmat.</p> <p>Иммиграция хужжатларини тўғрилашда ёрдам берамиз</p> <p>Contact Kamal Babajan Phone: 917-719-6096, 347-764-0809 Location : New York, Kings More Information: Barcha turdagi Immigratsiya hujjatlari malakali expert-paralegal tomonidan to'ldiriladi. Оформление всех видов Иммиграционных документов квалифицированным специалистом-паралигалом. Fill up of all types of Immigration documents (applications) by the qualified expert-paralegal. Tel 917-719-6096, 347-764-0809 paralegals@gmail.com</p>	<p>Тошкент шаҳрида адвокат</p> <p>Contact Shuhrat Xudoyshukurov Location : Tashkent, Uzbekistan More Information: Тошкент шаҳридаги адвокат Шуҳрат Худойшукуров Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида куйидаги топшириқларингизни бажариши мумкин: ФХДЁ (ЗАГС) органларидан хужжатларни олиш;</p> <p>Хужжатларни таржима (ўзбек-рус-инглиз) қилиш ва легализациялаш; Судларда ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш; Бизнесингизни ҳуқуқий таъминлаш. 28-30, U. Ismailov Street, Tashkent 100016, Uzbekistan Tel. (+998 97) 104-15-34 E-mail: advokat_himoya@yahoo.com</p> <p>Иммиграция ва таржима хизматлари:</p> <p>Contact Marvarid Ulmasova Phone: (347)9271547 Location : New York, USA More Information: Помощь в оформлении полного пакета документов на Грин Кард по браку; Подача на Постоянную Грин</p> <p>Карту (Снятие кондиции); Помощь в оформлении документов на гражданство; Помощь в подаче документов на воссоединение семьи; Виза жениха и невесты; Помощь в оформлении приглашения; Профессиональные переводы всех документов.</p>
---	--	--

GRAND OPENING of SUPER FOODS!

СУПЕР ФУДС - СУПЕР ПРИСЕС!

НОВЫЙ РУССКИЙ ПРОДУКТОВЫЙ МАГАЗИН В ЦЕНТРЕ KINGS HWY, BROOKLYN


У НАС ВЫ НАЙДЕТЕ РУССКУЮ, УЗБЕКСКУЮ И ТУРЕЦКУЮ ЕДУ И ПРОДУКТЫ ПО САМЫМ НИЗКИМ ЦЕНАМ В БРУКЛИНЕ.

MEDIUM EGGS ЯЙЦА (СРЕДНИЙ РАЗМЕР)  \$1.29	BUTTER МАСЛО  \$2.49	CASHEWS ОРЕХИ КЕШЬЮ  \$6.99_{LB}	DRIED APRICOTS КУРАГА  \$2.99_{LB}	SOUR CREAM СМЕТАНА  \$1.99	KEFIR  \$2.79
MILK МОЛОКО  \$1.19 QUARTER GALLON	BREAD ХЛЕБ  \$1.89	PISTACHIOS ФИСТАШКИ  \$5.99_{LB}	ALMONDS МИНДАЛЬ  \$3.99_{LB}	ПЕЛЬМЕНИ -VEAL -BEEF -CHICKEN -VEGETABLE  \$3.29	COTTAGE CHEESE ТВОРОГ  \$3.99

ОТДЕЛ РАЗНООБРАЗНЫХ СУХОФРУКТОВ, ОРЕХОВ И КОФЕ

Мы будем рады видеть вас по нашему адресу.

701 KINGS HWY, УГОЛ EAST 7TH STR., BROOKLYN, NY 11223 (718) 758-4470



Хурматли ватандошлар!

Сизни қизиқтирган барча саволларга қуйидаги рақамлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизга маълумки, АҚШда солиқлар масаласи жуда ҳам муҳим ва ҳар бир фуқаро даромад солиғини ўз вақтида қонунларга мувофиқ равишда тўлаши шарт.

Ватандошларимизга солиқларни тайёрлашда ёрдам бериш мақсадида Вашингтонда АҚШ қонунларига кўра даромад солиғи бўйича ўзбекистонлик мутахассислар (IRS) ишни бошлади.

Зокир Алиев.
MBA.EA - 703 459 82 34
E-mail: zakiraliyev@yahoo.com
АҚШ Солиқлар Бош Бошқармасининг имтиёзли лицензиясига эга солиқ мутахассиси.

Фазилат Мамурова
MPA -703 786 72 01
E-mail: fazilat84@yahoo.com
Молиявий хизматлар

Ўзбекистон туризм салоҳияти Нью-Йорк сайёҳлик кўргазмасида намоиш этилди

Яқинда Нью-Йоркда The New York Times Travel Show халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Уша кунлари нью-йоркликлар ва меҳмонлар шаҳардан чиқмасдан, бутун дунёни сайр қилди, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, унда дунёнинг 150 мамлакатидан турли сайёҳлик компаниялари иштирок этди.



Кўргазма павильонларида, шунингдек, Ўзбекистон консуллиги, "Келажак тур" "Silk Road Treasure Tour" сайёҳлик компанияларининг стендлари ҳам жой олиб, уларга кўргазма давомида минглаб кишилар ташриф буюрди. Ташриф буюрувчиларга гўзал ватанимиз - мингйиллик тарихга эга Ўзбекистон ҳақида ахборотлар берилди. Уларни, айниқса, халқимиз тарихи, ЮНЕСКО томонидан муҳофаза олинган тарихий ёдгорликлар, мусиқамиз, ипакчилигимиз, миллий байрамларимиз, меҳмондўстлигимиз, ўзига хос бозорларимиз, пурвиқор тоғларимиз, бепоян чўлларимиз жуда ҳам мафтун этди.

Шу билан бир қаторда, тадбирда Ўзбекистоннинг туризм саноати, чунончи, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз сингари кўхна шаҳарларимиз, тарихий ёдгорликлар ва бошқа сайёҳлар учун қизиқарли маълумотлар тақдим этилди.

Шу билан бирга, сайёҳлик кўргазмасида миллий руҳдаги сахна чиқишлари ҳамда ошпазлик санъати намоиш этилди. Айниқса, Туркистон - Америка жамияти рақс дастасининг ажойиб чиқишлари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирганини айтиб ўтиш лозим. Негаки, жуда кўпчилик ушбу чиқишлардан сўнг, албатта, Ўзбекистонга ташриф буюришини қайд этишди.



03.16.2012
20:00

БОЛЬШОЙ ПРАЗДНИЧНЫЙ КОНЦЕРТ "НАВРУЗ"

Уважаемые выходцы из Средней Азии!
Азиатский центр приглашает Вас на концерт, который состоится 16 Марта 2012 г. в ресторане "Националь" в 20:00

с вопросами обращайтесь по телефонам:
347.645.5700
347.444.7945

В концерте будут принимать участие известные артисты Узбекистана и Средней Азии!

Конкурс на лучший костюм!

03.16.2012

Ресторан "Националь" 273 Brighton Beach Avenue, Brooklyn, NY 11235

Умуман, ушбу кўргазма Ўзбекистонни тарғиб қилишда жуда фойдали тадбирлардан бири бўлди. Зотан, бундай тадбирлар боис бугун кўпчилик америкаликлар Ўзбекистон, унинг кўхна ва навқирон Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент каби шаҳарларига катта қизиқиш билдиришмоқда, уларни ўрганишмоқда. Ўйлаймизки, бундай тадбирлар ҳали кўп давом этади.

Зуля РАЖАБОВА.

